БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 159 (1163)
12 АВГУСТ
СЕШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Совет қурилиш индустриясининг буюк ғалабаси (1-бет).

Қуйбишевгидростройи бинокорлари ва монтажчилари коллективига КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг табриги (1-бет).

В. И. Ленин номли Волга гидроэлектростанцияси қурувчиларининг митинги (1-бет).

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Д. С. Полянский Куйбишев электростанциясининг гидротехника иншоотларини кўриб чиқдилар (1-бет).

К. Е. Ворошилов Бельгияга келди (1-бет).

Қурилиш ходимларининг СССР орден ва медаллари билан мукофотланиши (2-бет).

ОЧЕРК: **А. Абдуазимов.** — Қаҳрамонлик йўли (2-бет).

Гўза парвариши юзасидан берилган кундалик ва беш кунлик топшириқларни тўла бажарайлик! (3-бет).

М. Яҳёев. — Мактабларни янги ўқув йилига пухта тайёрлайлик (3-бет).

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА (4-бет).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА (4-бет).

Н. Насимов. — Ёш санъаткорлар кўриги (4-бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАСИ

☆ ☆

Куйбишевгидростройининг бошлиғи
ўртоқ И. В. КОМЗИНГА
Куйбишевгидрострой парткомининг секретари
ўртоқ А. А. ҚРАСНУШКИНГА
Куйбишевгидрострой бирлашган қурилиш комитетининг раиси
ўртоқ М. А. БУРМАТОВГА
Куйбишевгидрострой ВЛКСМ комитетининг секретари ўртоқ Н. Л. ЛОХМАТОВГА
Куйбишевгидроэлектростанциясининг директори
ўртоқ А. К. РЯБОШАПКОГА
СССР Электростанциялар министри
ўртоқ А. С. ПАВЛЕНКОГА
КПСС Куйбишев обкомининг секретари
ўртоқ М. Т. ЕФРЕМОВГА
Куйбишев область ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи
ўртоқ С. А. ПЕТРУХИНГА
Куйбишевгидроэлектростанцияси қурилишининг ҳамма ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Куйбишевгидростройи бинокорлари ва монтажчилари коллективини шонли меҳнат ғалабаси — Куйбишев гидроэлектростанцияси қурилиб бўлганлиги билан қизғин қутлайдилар.

Улуғ Ленининг мамлакатимизни электрлаштириш тўғрисидаги васиятлари амалга оширилиб, Волгада жаҳонда энг катта ва 2 миллион 300 минг киловатт қувватга эга бўлган гидроэлектростанция қурилди. Бу гидроэлектростанцияни қуришда бутун совет халқи қатнашди.

Куйбишев гидроэлектростанцияси қурилиб бўлиб, унинг бутун қуввати ишга туширилиши билан коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишида яна бир жуда катта қадам қўйилди, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, жамоат меҳнатининг унумдорлигини ошириш, совет кишиларининг турмуш шароитини яхшилаш учун янги имкониятлар очилди.

Куйбишев гидроузели қурилишига кўп минглаб ишчилар, олимлар, инженерлар ва техниклар меҳнати сарф бўлди. Унинг ҳамма иншоотлари Ватанимиз заводларида ясалган ва ишлаб чиқарилган уникал механизмлар ва ускуналар билан таъминландики, бу нарса совет фани ва техникасининг муваффақиятли равишда ривожланганлигини, кундан-кунга ўсиб бораётган совет индустриясининг қудратини, энг дадил режалар ва планларни амалга оширишга совет кишиларининг қодир эканлигини кўрсатувчи янги яққол далилдир.

Волга гигантини қуриш табиат кучларини забт этиш учун курашнинг ажойиб мактаби бўлди, совет гидроэнергетика қурувчиларининг техника ва ишлаб чиқариш тажрибаларини кўпайтирди. Гидроэлектростанцияни ва 400-500 киловольт кучли электр токи ўтказадиган бақувват линияларни қурган қурувчилар ўзларининг юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Бизнинг бутун халқимиз қурилиш битиб, Куйбишев гидроэлектростанцияси ишга туширилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитар экан, ҳақли равишда фахрланади.

Мамлакатимиздаги техника тараққиётининг бошқа кўп муваффақиятлари сингари Волгабўйидаги Жигули олдида эришилган ғалаба ҳам коммунистик жамият қурувчи халқнинг ижодий кучларини очиб берган совет ижтимоий тузумининг афзалликларини бутун дунёга кўрсатиб турибди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, Куйбишев гидроэлектростанциясининг бой тажриба ва билим орттирган бинокорлар ва монтажчилар коллективи мамлакатимизнинг янги қурилишларида тағин ҳам самаралироқ меҳнат қилади, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев ва Д. С. Полянский Куйбишев электростанциясининг гидротехника иншоотларини кўриб чиқдилар

ЖИГУЛЕВСК (Куйбишев области) 10 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Куйбишев гидроэлектростанцияси районида эрталабдан ҳаво очиқ бўлиб кун чиқиб турди. Минг-минглаб бинокорлар Комсомольский, Шлюзовой, Портовой ва бошқа посёлкаларнинг кўчаларига чиқдилар. Бугун Волга бўйидаги жуда катта янги энергетика иншооти тантанали равишда ишга туширилади. Ҳамма хурсанд ва кайфи чоғ.

Маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10 да А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Д. С. Полянский ўртоқлар, шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Кузьмин, Электростанциялар министри А. С. Павленко, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари М. Т. Ефремов, Ленин орденли Куйбишев гидростройи бошлиғи И. В. Комзин ва бошқалар гидроузелнинг қуйи шлюзлари олдига келдилар. Гидротехника иншоотларини кўздан кечириш бошланади. Шлюзларнинг механизмлари ва ускуналари пухта ва тўхтовсиз ишламоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ва унинг йўлдошлари шлюзларнинг ишлашини қизиқиб тамоша қиладилар, бошқарув автоматикаси билан танишадилар. И. В. Комзин шлюзларни қуриш ишлари қандай бажарилганлиги ҳақида, бу шлюзларни қурган одамлар ҳақида гапириб беради.

Меҳмонлар сўнгра машиналарга тушиб юқори шлюзлар томонига борадилар, теплоходлар бу шлюзлар орқали ўтиб, бепоён Куйбишев денгизига чиқади.

Партов сувларни ўтказиб юборадиган ва темир-бетондан қурилган тўғон жуда катта таассурот қолдиради. Н. С. Хрушчев ва унинг йўлдошлари тўғон этагидаги дамбага тушадилар. Бу ердан иншоотнинг бутун манзараси очиқ кўриниб турибди. Сўнгра меҳмонлар темир-бетон тўғон билан тупроқ тўғон туташган майдончага келдилар. Бу ерда ер юзидаги энг катта сунъий денгиз бўлган янги Куйбишев денгизининг ажойиб манзараси кўзгониб турибди. Н. С. Хрушчев келгусида Куйбишев денгизи соҳилларидаги мана шу ҳушҳаво ерларда мева боғларини кўпайтириш, бой табиий шароитдан яхшироқ фойдаланиш керак, деди.

Мана, меҳмонлар гидроэлектростанциянинг ҳашаматли биноси олдига ҳам келдилар. Гидростанциянинг машина залида меҳмонларни Куйбишев гидроэлектростанциясининг директори А. К. Рябошапко ва унинг бош инженери М. А. Саркисов кутиб оладилар. Улар уникал электр машиналарнинг техника жиҳатларини, бу машиналардан фойдаланиш хусусиятларини батафсил гапириб берадилар.

Шу машина залининг ўзида Н. С. Хрушчев донгдор электр пайвандчи А. А. Улесов билан учрашади. Куйбишев гидроэлектростанциясини қуришда айниқса катта муваффақиятларга эришганлиги учун иккинчи «Ўроқ ва Болга» олтин медалига сазовор бўлган А. А. Улесов билан Н. С. Хрушчев қучоқлашиб кўришади ва бу донгдор ишчини ўпади.

Беш агрегатнинг олдига қизил лента тортиб қўйилибди. Н. С. Хрушчев 17-машинанинг олдига келади. У, залда тўпланганларнинг қарсаклари остида қизил лентани қирқиб, агрегатни ишга туширади ва тутқичини буриб юборади... А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, М. А. Суслов, Д. С. Полянский бошқа агрегатлар олдидаги лентаҳарни қирқиб, уларни ишга тушириб юборганларида яна қарсаклар чалинади.

В. И. Ленин номли Волга гидроэлектростанцияси қурувчиларининг митинги

ЖИГУЛЕВСК (Куйбишев области), 10 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Жаҳонда энг катта электростанциясини қуриш ишлари тамомланганлиги ва Куйбишевгидрострой Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан бугун куннинг иккинчи ярмида ГЭС биноси олдидаги кенг майдонда гидроиншоотлар қурувчиларининг кўп минг кишилик митинги бўлди.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Д. С. Полянский ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. И. Кузьмин, А. Ф. Засядько, Электростанциялар министри А. С. Павленко, СССР Госстрой раиси В. А. Кучеренко, Куйбишев области партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, қурилиш ва электростанция раҳбарлари, «Куйбишевгидрострой» илғорлари трибунада пайдо бўлишлари билан уларни митинг қатнашчилари гулдурос овация билан кутиб оладилар.

КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари М. Т. Ефремов митингни очиб, область партия ташкилоти, гидроиншоот қурувчилар коллективи ва областнинг барча меҳнаткашлари номидан азиз меҳмонларни қизғин табриклади ҳамда КПСС Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини, Куйбишевгидрострой коллективи ва Куйбишев областининг барча меҳнаткашлари юксак мукофотга янги меҳнат ғалабалари билан; барча давлат планларини муваффақиятли равишда бажариш билан жавоб берадилар, деб ишонтирди.

Куйбишевгидрострой бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. В. Комзин сўзга чиқди. У, қурувчилар номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига маълум қилиб айтдики, Волгадаги Куйбишев гидроэлектростанцияси ва унинг иншоотлари қурилиб бўлди, давлат комиссиясига топшириш учун тахт қилиб қўйилди. «Куйбишевгидрострой» бошлиғи ўзининг нутқида бажарилган ишларнинг жуда катта ҳажмини кўрсатувчи рақамларни айтиб берди, қурувчиларнинг зўр ғайрат билан меҳнат қилганликларини ва улар бартараф қилган қийинчиликларни сўзлаб берди.

Гидроиншоот қурувчилар, — деди ўртоқ Комзин, — Ватанимизнинг бақувват техникасига таянгиб, ўзларининг аъло билимларини ишга солиб, совет кишиларининг отаҳин ватанпарварлигига суяниб, бизни ғалабадан-ғалабага олиб бораётган Коммунистик партияга муҳаббат ва садоқат билан ишлаганликлари туфайлигина топширилган ишни муваффақиятли равишда адо қилиш имкониятига эга бўлдилар. Қурилишда айрим кишиларгина эмас, балки қурувчиларнинг кўп кишилик бутун коллективи ҳам қаҳрамонона ватанпарварлик билан фидокорона меҳнат қилдилар.

Эндиликда Волганинг ўнг ва сўл соҳилидаги қурилиш майдонларида янги катта корхоналар қад кўтариб турибди. Гидроиншоот қурувчилари, — деди ўртоқ Комзин, — цемент заводининг биринчи навбатдаги қисми ишга тушганлиги ва Волгадаги энг катта қурилиш машиналари заводининг айрим цехлари, симоб випрямителлар заводи ва бошқа корхоналар ҳозир маҳсулотлар бераётганликлари ҳақида Ватанга рапорт берганликлари учун хурсандирлар. Ставропольь шаҳри районида химия корхоналарининг жуда катта узели барпо қилинмоқда. Бу районда Европада энг катта синтетик каучук заводи қурилмоқда. Бу қурилиш комсомолларнинг зарбдор қурилишидир.

Куйбишев гидроиншоот қурувчилари, — деди пировардида ўртоқ Комзин, — партия ва халқнинг ҳар қандай топшириғини бажаришга қаттиқ бел боғлаганлар ва Совет Иттифоқи бинокорларининг кўп миллионли отрядида ҳамиша биринчи сафда бордилар.

Куйбишев ГЭСининг электр пайвандчиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. А. Улесовга сўз берилди. Бугун биз, — дейди у, — хурсанд бўлиб байрам қилмоқдамиз. Куйбишев ГЭСининг қалитини севикли Ватанимиз қўлига топшираётирмиз. Мана шу тантанали пайтда биз бу ерга, Жигулига келган вақтимиздаги дастлабки кунлар белхтнёр эсимизга тушади. Ўша вақтда бу ерда нималар бор эди?— Қуйқуруқ ер эди. ГЭСнинг ҳозирги биносидан сал нарида кема тўхтайдиган кичкина жой, унинг ёнида шамол тегирмони бор эди, холос. Улуғ рус дарёси бўлган Волгада, қадим замонларда бўлганга сингари, сув беҳуда оқиб ётар эди. Аммо, партия бизга: бу ерда жаҳонда энг катта гидроэлектростанция қуриш керак, деб айтди. Биз ҳам бу гидростанцияни қуриб битказдик. Жонажон Коммунистик партия равшан мақсадга — коммунизм қуриш сари йўллаб бораётган бинокорларнинг қўли мана шунақа ишларни қила олади. Биз Волгадаги ишларни тамомлаб, бошқа дарёларни забт этишга ўтамиз, зарбдор қурилишларга борамиз. Биз янги гидроэлектростанцияларни ва саноат корхоналарини тагин ҳам тезроқ ва арзонроқ қилиб қурамиз.

Пардозлаш ишлари участкасининг прораби К. С. Шульга сўзга чиқиб айтдики, 11 йигитдан кўпроқ йигит ва қиз комсомол йўлланмалари билан қурилишга келган эди. Ёш бинокорларнинг зўр минг кишилик отряди табиат билан бўлган жангда ўсиб вояга етди. Кўпгина комсомолларнинг номи фақат бу қурилишдагина эмас, балки Жигулидаги қурилишдан бошқа жойларда ҳам ҳақли равишда машҳур бўлди. Ўртоқ Шульга дедики, Куйбишев областининг комсомоллари химия саноати корхоналари қурилиши устидан оталиқ қилишни зиммаларига олдилар. Ставрополда қурилаётган синтетик каучук заводининг зарбдор қурилишига ҳозиргача комсомол йўлланмалари билан 500 дан кўпроқ йигит ва қиз юборилди.

Митинг қатнашчилари Н. С. Хрушчевни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Н. С. Хрушчев ўз нутқида бинокорлар ва монтажчилар коллективини қурилиш ишларини битказганликлари билан қутлаб дедики, Куйбишев гидроузелини қуришга Совет Иттифоқидаги ўн ва юз минглаб ишчилар, олимлар, инженерлар ва техникларнинг меҳнати сарф бўлди. Жаҳонда энг катта гидроэлектростанция Волга бўйида қурилганлиги жуда зўр иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеадир, Улуғ Ленининг ўлмас васиятларига биноан мамлакатни электрлаштириш соҳасида халқимиз амалга ошираётган программани бажаришдаги муҳим звенодир.

Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқида электроэнергетикани янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб дедики, Волгада, Днепрда, Камада, Ангарада, Иртишда жуда катта гидроэлектростанциялар қурилмоқда. Кўмир ғоят сероб бўлган районларда ёқилғи кучи билан ишлайдиган катта электростанциялар қурилмоқда. Жаҳонда биринчи атом электростанциясидан сўнг тагин ҳам каттароқ бир қанча янги атом электростанциялари ишга туширилади.

Ҳозир биз, — деди сўнгра Н. С. Хрушчев, — Ленининг мамлакатни ёппасига электрлаштириш тўғрисидаги идеясини амалга оширмоқ учун моддий имконият олмоқдамиз. Партия Марказий Комитети Президиуми Госпланга ва тегишли органларга В. И. Ленининг буюк орзусини рўёбга чиқармоқ учун мамлакатни ёппасига электрлаштириш планини ишлаб чиқишни топширди. Бу билан, деди Н. С. Хрушчев, — мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини бутун чоралар билан ривожлантирмоқ учун бақувват база вужудга келтирилади. Коммунистик жамият қуриш мана шу замонавий база негизида тагин ҳам муваффақиятлироқ равишда амалга оширила беради.

Н. С. Хрушчев 1958 йил биринчи ярмида планнинг бажарилиш якунларига тўхталиб айтдики, бу якунлар бизнинг мамлакатимиз иқтисодий равноқ йўлидан ишонч билан олга бораётганлигини, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан қисқа муддат ичида етиб олиш ва улардан ўзиб кетишдан иборат асосий иқтисодий вазифани муваффақиятли равишда ҳал қилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Н. С. Хрушчев СССР да электростанциялар қуришни ривожлантириш истиқболларига муфассал тўхталиб ўтди. У ҳозирги вақтда ёқилғи билан ишлайдиган станциялар қуришни биринчи ўринга қўйиш керак, деди. Бу гапдан, — деб давом қилди Н. С. Хрушчев, — гидростанциялар қуришни тўхтатиб туриш керак, деган маъно чиқмайди, албатта. Биз гидростанциялар қуришни ёқилғи билан ишлайдиган станциялар қуришга қарама-қарши қилиб қўяётганимиз йўқ. Мақсад шуки, капитализм билан бўлаётган мусобақада вақтдан ютишни назарда тутиб, ёқилғи билан ишлайдиган станциялар қуришни биринчи ўринга қўйиш керак.

Н. С. Хрушчев халқаро аҳвол масалаларига тўхталиб дедики, СССР даги коммунистик қурилишнинг муваффақиятлари бутун қудратли социалистик лагернинг муваффақиятларидир. Мамлакатларимизнинг жинслиги ва дўстлиги ҳеч ким ва ҳеч қачон енголмайдиган улуғ кучдир. Империалистлар тарих ғилдирагини орқага бурмоқчи, ўз ҳоҳишларини бошқа халқларга зўрлаб қабул қилдирмоқчи бўладилар. Улар «совуқ урушни» авж олдирмоқдалар, зўравонлик позициясига таянувчи агрессив сиёсат, «уруш ёқасига келтириб қўйиш» сиёсатини ўтказмоқдалар. Американинг Ливандаги ва Англиянинг Иорданиядаги интервенцияси мана шу сиёсатнинг ҳалқаларидан биридир.

Жаҳон жамоатчилиги АҚШ нинг Ливандаги ва Англиянинг Иорданиядаги агрессиясини қоралаб, дарғазаб бўлиб норозилик билдирганлиги ва тинчликсевар давлатлар бу агрессияга чек қўйишга қаттиқ бел боғлаганликлари, — деди Н. С. Хрушчев, — ҳарбий интервенция ташаббусчиларини ўзларининг Ироқ Республикасига ва бошқа араб давлатларига ҳужум қилишдан иборат дастлабки планларидан чекинишга мажбур қилди. Ироқ, ер юзининг бу районида уруш хавфи ҳали ҳам жуда кескин бўлиб турибди, шу сабабли биз барча тинчликсевар халқлар билан биргаликда бу ҳарбий интервенцияни тўхтатишга ҳамда Америка ва Англия қўшинларини Ливан ва Иорданиядан чиқартириб юборишга эришмоқ учун бутун имкониятларимиздан фойдаланмоқдамиз.

Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатлар тинчлик сиёсатини, социал системалари турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини оғишмай ва изчиллик билан ўтказиб келмоқдалар. Биз ўзимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатимизни, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшашни таъминлашга қаратилган сиёсатни бундан буён ҳам муттасил ўтказа берамиз.

Н. С. Хрушчев митингдагиларга айтдики, Олий Совет Президиумининг Фармонига биноан, Куйбишев гидроэлектростанциясига Владимир Ильич Ленин номи берилди ва уни бундан буён Владимир Ильич Ленин номидаги Волга гидроэлектростанцияси деб аталсин.

Н. С. Хрушчев гулдурос қарсаклар билан неча марталаб бўлиниб турган ўз нутқининг охирида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг Куйбишев гидроэлектростанцияси қурилишининг барча ишчиларига, инженерларига, техниклари ва хизматчиларига ёзган табригини ўқиб берди. Табрикда, жумладан, шу нарса қайд қилиб ўтиладики, СССР даги техника тараққиётининг бошқа кўп муваффақиятлари сингари Волгада жигули олдида эришилган ғалаба ҳам коммунистик жамият қураётган халқнинг ижодий кучларини очиб берган совет ижтимоий тузумининг афзалликларини бутун дунё олдида яққол кўрсатиб турибди.

Сўнгра митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига ва СССР Министрлар Советига ёзилган табрикни якдиллик билан қабул қилдилар. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Волга гидроэлектростанциясига Владимир Ильич Ленин номини бериш тўғрисида

Куйбишев гидроэлектростанциясига Владимир Ильич **Ленин** номи берилсин ва бундан буён у Владимир Ильич Ленин номидаги Волга гидроэлектростанцияси деб аталсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1958 йил 10 август.

КПСС Марказий Комитетига ССР Иттифоқи Министрлар Советига

Зўр шодлик билан Сизга маълум қиламизки, проектда белгиланган 2 миллион 100 минг киловатт қувватга эга бўлган ва йилига 10,8 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарадиган Куйбишев гидроэлектростанцияси қурилиши тугалланди. Гидроузел иншоотлари узоқ вақт давомида ишда текширилди ва доимий фойдаланиш учун топширишга тайёр қилиб қўйилди.

Куйбишев гидроузели инженерлик гидротехника иншоотларининг мураккаб комплексидан иборат бўлиб, мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида қурилди ва гидростанциялар қурилишининг жаҳон тажрибасига янги ҳисса бўлиб қўшилди.

Гидроузел узунлиги 700 метр ва баландлиги 80 метрга баравар гидроэлектростанция биносидан; секундига 40 минг кубометр сув ўтказа оладиган 981 метр узунликдаги темир бетон оқова тўғонидан; маҳаллий қумдан қурилган 2.800 метр узунликдаги тупроқ тўғондан; каналлари бўлган ва кемалар қатнайдиган иккита катта шлюздан иборат. 6.500 квадрат километр майдонли ва 58 миллиард кубометр ҳажмли сув омбори барпо этилди, бу сув омбори жаҳонда энг катта сунъий сув омборидир.

Қумлоқ ва лойтупроқ ерларда Куйбишев гидроузелининг қурилиши қурувчиларнинг, проектлаш ва илмий текшириш ташкилотларининг инженерлик соҳасидаги жуда катта муваффақиятидир. Улар илғор техника ютуқларини қўлландилар ва янги мукаммал машина-ускуналарни ҳамда механизмларни яратдилар.

Қурилиш йилларида 190 миллион кубометр ҳажмида ер қазиш ишлари бажарилди, 7 миллион 400 минг кубометр бетон ва темирбетон ётқизилди, 200 минг тоннадан ортиқ металл конструкциялар ва гидро куч ускуналари монтаж қилинди. Гидроузел иншоотларида катта ҳажмда пардозлаш ишлари бажарилди.

Юқори унум билан ишлайдиган механизмларни қўлланиш юксак меҳнат унумдорлигини таъминлашга имкон берди. Ер қазиш ишларининг интенсивлиги йилига 58 миллион кубометрга ва суткасига 400 минг кубометрга етди, бетон ётқизиш ишларининг интенсивлиги йилига 3.134 минг кубометрни ташкил этди. Бу эса бизнинг гидротехника қурилишларимизда ҳам, чет эллардаги гидротехника қурилишларида ҳам бундан илгари эришилган суръатдан ортиқдир.

Қурилиш ва монтаж ишларини бир-бирига қўшиб олиб бориш, гидро куч, электротехника ускуналарини ва металл конструкцияларни дастлаб йиғиш методларини кенг қўллаш монтаж ишларини поток-жадал усулида ташкил қилишга имкон берди. Биринчи агрегат 1955 йил 29 декабрда ишга туширилди, 1957 йил 14 октябрда эса охирги — 20-гидроагрегат ишга туширилди. Ҳар бир агрегатни монтаж қилишнинг проектда белгиланган муддати икки баравардан ҳам зиёд қисқартирилди.

Биринчи гидроагрегат ишга туширилган кундан бери электростанция 15 миллиард киловатт-соатдан ортиқ арзон электр қуввати ишлаб чиқарди ва бу билан давлатга бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ қайтариб берилди ва Москва атрофи ҳавзасидан олинадиган 20 миллион тонна кўмир тежалди.

Куйбишев гидроэлектростанциясининг ва Куйбишев ГЭС — Москва ўртасидаги 400 киловольт қувватли электр линиясининг ишга туширилганлиги натижасида Марказий саноат районини ва Ватанимиз пойтахти Москвани электр қуввати билан таъминлаш тубдан яхшиланди, бу эса КПСС XX съездининг қарорларида кўзда тутилганича, СССР Европа қисмининг ягона энергетика системасини вужудга келтиришда муҳим бўғиндир. Шу йил июль ойида Куйбишев ГЭС — Урал ўртасида 500 киловольт қувватли электр линиясининг биринчи навбат қисми ишга туширилди.

Куйбишев гидроузели қурилиши гидростанциялар қурувчиларининг янги шонли отрядини тарбиялашнинг жиддий мактаби бўлди. Қурувчилар ва монтажчиларнинг кўп минг кишилик жипс коллективи вужудга келди, ажойиб мутахассис кадрлар етишиб чиқди. Юзлаб малакали ишчилар юқори унум билан ишлайдиган энг янги машина ва механизмларни бошқаришни мукаммал даражада эгалладилар. Ёш инженер ва техниклар тажрибали қурувчилар бўлиб ўсдилар. Уларнинг кўплари ҳозирги вақтда Сталинград, Братск, Кременчуг, Саратов ва бошқа гидроэлектростанциялар қурилишида ишламоқдалар.

Куйбишевгидрострой коллективи қурилиш йилларида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги ва эътиборини ҳамиша сезиб турди.

Куйбишев ГЭС қурилиши зарур бўлган ҳамма нарсалар билан: биринчи даражали қурилиш техникаси, машина-ускуналар, механизмлар ва материаллар билан таъминланган эди. Москва, Ленинград, Украина, Уралдаги ва мамлакатнинг бошқа районларидаги заводлар коллективлари гидроузел қурилишида қурувчиларга катта ёрдам бериб турдилар.

Куйбишев гидроэлектростанциясининг қурувчилари ва монтажчилари КПСС Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб, бундан буён ҳам Партиянинг ва Ҳукуматнинг ҳар қандай топшириқларини бажаришга тайёр эканликларини айтадилар.

Куйбишевгидрострой бошлиғи И. КОМЗИН
Куйбишевгидрострой партия комитетининг секретари А. КРАСНУШКИН
Куйбишевгидрострой бирлашган қурилиш комитетининг раиси М. БУРМАТОВ
Куйбишевгидрострой ВЛКСМ комитетининг секретари Н. ЛОХМАТОВ
Куйбишев ГЭС директори А. РЯБОШАПКО
СССР Электростанциялар министри А. ПАВЛЕНКО
КПСС Куйбишев область комитетининг секретари М. ЕФРЕМОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ К. Е. ВОРОШИЛОВ БРЮССЕЛДАГИ ЖАҲОН ВИСТАВКАСИГА ЖУНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов 10 август кунгузи махсус «ТУ-104» самолётида Москвадан Брюсселга жўнаб кетди. К. Е. Ворошилов Бельгия пойтахтида 1958 йилги жаҳон виставкасини бориб кўради. Бу виставкада 11-13 августда СССРнинг миллий кунлари нишонланади. (ТАСС).

К. Е. Ворошилов Бельгияга келди

БРЮССЕЛЬ, 10 август. **(ТАСС махсус мухбири)** СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов бугун «ТУ-104» самолёти билан Брюсселга келди. Совет Иттифоқи Соғлиқни сақлаш министри М. Д. Ковригина ва СССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари С. В. Кафтанов ўртоқ Ворошиловга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Совет реактив лайнери Брюсселда Совет Иттифоқи ва Бельгия давлат байроқлари билан безатилган Мельсбрук аэродромига Брюссель вақти билан соат 17-10 минутда секингина қўнади. Ҳурматли меҳмонга Бельгия короли Бодуэн I ҳазрат олийлари, Бельгия ташқи ишлар министри Пьер Виньи ҳамда Бельгия ҳукуматининг бошқа вакиллари, король хонадонининг аъзолари кутиб оладилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг Бельгиядаги элчиси В. И. Авилов ҳам бор эди. Аэродромда Бельгиядаги чет эл дипломатик вакилликларининг бошлиқлари, газеталар, радио, телевидение ва кинонинг кўпгина мухбирлари ҳам бўлди. К. Е. Ворошиловни кутиб олмоқ учун аэродромда пойтахт аҳолисидан жуда кўп киши тўпланди.

Совет Иттифоқи ва Бельгиянинг давлат гимнлари тантанавор янграйди. Ўртоқ Ворошилов король Бодуэн ҳамроҳлигида саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтади.

Ўртоқ Ворошилов ва унинг ҳамроҳлари соат 17-25 минутда автомобилларга тушиб Брюсселга томон йўл оладилар. Пойтахтга олиб борадиган йўлда ҳурматли меҳмонлар тушган автомобиллар ўтар экан, Бельгия пойтахти аҳолисидан бўлган минг-минглаб кишилар уларни самимий табриклаб турдилар.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Суратда: 1. Мадамин Мамадалиев — «Ўзбекгидроэнергострой» трестига қарашли Мирзачўл бошқармасининг бетончилар бригадаси бошлиғи. 2. Степан Иванович Карталов — «Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трестининг гишт терувчилар бригадаси бошлиғи. 3. Абдулла Воҳидов — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 161-қурилиш трести комплекс бригадасининг бошлиғи.

Қаҳрамонлик йўли

(ОЧЕРК)

— Йигитнинг билаги, кексанинг аҳли бақувват бўлади, ука. Чаққи қипсан, отанг ўнинг райини қайтариб. Хўп десанг, сени биров уришармиди. Ахир бу ерлар ҳам бир кунмас, бир кун обод бўлади, сен билан биз иморатларни кимга қурамиз? Ҳали ҳам фурсат бор, мен яна сенга икки уч кун жавоб берай, бориб чоли-кампирни хурсанд қилиб кел... Кўпи билан тўрт ойда албатта кўчириб келаман дегин. Буёғини сен қайтиб келгунингча ўзимиз тўғрилаймиз. Рухсат сенга ўглим...

Равшан ҳарбийча рюзгагини орқаларига ташлаганича «хайр» деди-ю, палатканинг ёнгинасидан ўтган кичик сўқмоқ йўлга тушиб узоқлашди. Кузатувчилар аллақачон палаткага кириб кетишган эди. Мадамин ака «қаттиқ гапирдим, жўнглига оғ-малимикан» дегандек унинг кетидан ҳийла ўйланиб қараб қолди. Сўнг йигитлар кетидан ичкари кирди.

Палатка гавжум. Бетончи йигитлар авж гапга қлришган. Ягини шойи қийиқ билан таниб олган йигит тинмай гапирарди.

— Одамнинг дилини билиш қийин экан. Бир қарайсан сен билан туппа-тузук гаплашиб ўтиради, бир қарасанг нуқул чол-кампир ташвиши. Иннайкейин ўзиям ҳар нарсани кўнглига олаверар экан. Шу жўнашда паққос кетиворса борми-а?

— Тиш оғриқнинг ияги қоқилмасди, мунча жоврадинг, Омон, — Тўра унинг елкасидан босиб кроватга ағдарди. Кимдир шўхлиқ қилиб устунда осиғлиқ турган анор тусли барра пўстини олиб уни буркади. Палаткада қийқириқ кўтарилди. Дўстларнинг ҳазилидан аранг қутилган Омон ягилан қийиқни олиб шошаниша гапира кетди.

— Омадл гапни айтаяпман-да, оғайнилар: Турдиқулнинг найранги кўзимизни очиб қўйди ука, уям «ойимни кўчириб келаман» деб шундай Қайроққумдан шатак отиб қолди. Кишина билиш қийин. Қарасаки, бу ёғи қиш, иссиқ жой йўқ, палатка. Вассалом. Кечаги важи шунчаки бир баҳона. Мана, кетворди...

— Отанг темирчи ўтганми, дейман, бас қилсангчи, Омон, — деди қалин қошларини чимириб, ёнбошлаб ётган Жўравой, — Равшан сен айтганларданмас. Унинг орзу-ҳавасини мен яхши биламан. Қайроққумдан жўнаш олдидан митинглаги гапи эсингдадир. «Киши мақсадсиз, умидсиз яшаши мумкинмас, Қайроққумда денгиз вужудга келтирдик, энди шу сув билан қақраб ётган чўлни суғорамиз. Мирзачўлни обод қиллш ва у ерда умрбод қолиш учун борамиз» деган эди. Равшан гапида турадиган йигит. Мен бунга шубҳа қилмайман. Ахир у комсомол путевкаси билан келган-ку.

— Гапни олиб қочма оғайни, комсомол путевкаси билан ГЭСга келиб, ҳаллигидай йигинларда мақтаниб, ҳаммага ақл ўргатиб, ишга келганда жалада қолган чумчуқдай ўзини панага урганларни кўп кўрганмиз. Товуқ қақиллаган жойга тухум қўймармас экан, биллингми?..

Омон шу гапларни айтди-ю, кровать остидан ўтин олаётган Мадамин акага назар солди. Бригадир Омоннинг гапилан беихтиёр жилмайган юзини яшириш тиришарди. Буни сезган Омон «ҳозир гапимни таслиқлаб, бир нима дейди бригадир» дегандек Тўрага боқди.

Шу палла нариги қойкада ётган Ибодулланинг Омонга қаратилган йўғон товуши эшитилди:

— Бургут пашша, фил сичқон қувмас деган гап бор, оғайни. Равшан лабзила турмай, жўнаворар экан, унинг тўғрисида ҳам Турдиқулга айтган гапларни гапириб юрамиз-да. Лекин Равшаннинг қайтиб келишига ишончим комил.

Йигитларнинг суҳбати узоққа чўзилмаи. Айниқса Маламин аканинг гапга қўшилавермагани йигитларга таъсир қилди шекилли, таппатапша ўзларини ўринга отишди. Бироқ Омоннинг сабри чидамади. Бригадирни атайин гапиртириш учун сўради:

—Совуқ бўлгани қор ёғадими, дейман?

— Куз охири, ажабмас ёғса, — деди Маламин ака унга жавоб бериб.

— Чироқни ўчирайми?

— Ўзим ўчираман, ухлайвер.

— Энди эртадан ишга тушамизми, Мадамин ака?

— Кайдам, бошлиқлар келишмаяпти. Ер қазийлиган экскаватор ҳам ҳали келганича йўқ.

Омон яна бир-икки шу хилдаги саволларни берди-ю, уйқуга кетди. Бошқалардан ҳам садо чиқмади...

Мадамин ака не маҳалгача мижжа қоқалмай, дам турди, дам ётди. Унинг йўғон билаклари, забардаст елкаси бир неча кунлан бери оғир иш кўрмаса-да, увушгандек эди.

У ўзича «шамолладим шекилли» деб ҳам қўйди. Ахир палатка полсиз, зах. Бунинг устига кеча Мирзачўлга юк машинасида бориб анча қоқинди. Қилайин деса иш йўқ, олам меҳнат билан кун ўтганини билмай қолар экан. Бекорчилик кишини эриктиради. Қурилиш раҳбарларидан ҳам дарак йўқ. Йигитларнинг кўпи уйларига, ота-оналари, болачақаларини кўргани кетишган. Улар-ку бугун-эрта келишар-а, аммо иш нима бўлади? Кунлар ўтиб бораверса, ҳа демай қаҳратон қиш келиб, бетон ётқизишга илож бўлмай қолади.

Мадамин ака аввал мана шулар ҳақида бош қотирди. Кейин у ўй ичи, бола-чақалари, айниқса тўртта қадам қўяётган ҳамма ўғилчаси, қизларини, ўзи туғилиб ўсган Наманганнинг Чустидаги ёр-биродарларини, кечмиш-кечирмишларини эслаб кетди...

* * *

Бинокорлик ота касби эмас Мадамин аканинг. Уни бу касбга йўллаган, муҳаббат қўйишга мажбур қилган нарса эл-юртнинг иши, катта мақсади бўлди. Халқ нур яратиш мақсадида Фарҳод тоғи томон тошган дарё каби оққанда, Мадамин ака ҳам бу тўлқиннинг олдида оққан эди...

Одамнинг қадри унинг ҳалол меҳнати, соф юраги ва элга муҳаббати билан баҳоланади. Халқ яхшиман яхши ном, ёмондан балном қолади, дейди. Мадамин ака ҳали Фарҳод тоғи этакларида Сирнинг дев сувини бўғиш учун курашаётганидаёқ ўзи ҳақида яхши ном қолдирган, ҳалол меҳнати билан иззат-ҳурмат кўрган эди. Ўша кезларда бу дев дарёнинг сувини жиловлаш қанчалик оғир эди, дейсиз. Минг-минглаб Мадамин акага ўхшаган ман-ман деган паҳлавонлар харсанг тошларни елкасида кўтариб Сирнинг тубига улоқтиришган, бетонларни ҳозиргидек қудратли машиналар билан эмас, бел ва замбиллар кўмагида ётқизишган. Уруш кетиб бўрон эсиб турган оғир йилларда ана шу кишиларнинг қаҳрамонлиги, жасорати иш берди. Шунинг учун ҳам халқ бунлай одамларнинг шаънига таҳсин ўқийди, уни қадрлайди.

Мадамин ака Фарҳод ГЭСи қурилишида бошдан охиригача қатнашди. Нур манбаи ишга туширилгач, яна жонажон колхозига қайтди. Уни бу ерлаги ёр-биродарлари, қавмиқариндошлари уста Мадамин деб сўроқлашадиган бўлишди. Орзу-ҳаваси билан иморат тиклашга жазм қилсалар, пойдеворини Мадамин акага қурдиришлар. Уста Мадамин колхозда қурилиш бригадаси ташкил этди. Маданият уйи, болалар боғчаси, уй-жойларга пойдевор қўйиб яна шуҳрат топди...

Қайроққумда катта гидроэлектростанция қурилажаги тўғрисидаги хабар бутун мамлакатга тарқалди. Халқ яна олижаноб ишга қўл урди. Бу сафар коммунист Мадамин ака катта карвон бошида эди.

Гигант қурилишда қудратли экскаватор ва бульдозерлар, минглаб турли машиналар кишиларнинг ҳамроҳи бўлди. Қўл меҳнатини ана шу машиналар алмаштирди. Мадамин ака Қайроққумга келган куннинг эртасигаёқ бетончиларнинг комплекс бригадасини тузиш тўғрисида ўйлади. Чунки сув иншоотида ҳал қилувчи участка тўғон-плотина қурилишидир. Уни бетончилар тиклайди. Қурилиш маъмурияти ва партия ташкилоти Мадамин ака ташаббусини қўллаб-қувватлаб унга 40 чоқли навқирон йигитни бириктиб қўйишди. Мадамин ака ишга киришди.

Сирнинг харсанг қирғоқлари аввали сокинлигини йўқотган, қудратли машиналар ҳайқириғи оламни ларзага солмоқда. Моҳир бригадир бошлиқ бетончилар ГЭС тўғонига қўрғошин қуйгандек бетон ётқизиш билан банд. Мадамин ака ва унинг баҳодирлари чарчаш нималигини билмайдилар. Негаки, улар табиат стихияси билан олишаверириб, унинг сирли қудратини ҳам асир қилиб қўйганлар.

ГЭС платинаси тикланиб, шарафли меҳнатга якун ясаш пайти етиб келди. Мана, эрталабдан шоду-хуррамлик бошланди. Қурувчилар метиндек мустаҳкам плотина устида сайр этиб юришибди. Тожикистон ва Ўзбекистон республикаси меҳнаткашлари қурувчиларни табриклагани келишган. Мадамин ака ҳам шу ерда эди. У кичик ўғли Азимжонни елкасига ўтқазиб, денгиз устида парвоз қилиб юрган чайкаларни тамоша қилмоқда. Кўп ўтмай тантанали митинг, тўй-тамошалар бошланди. Икки қон-қардош халқ — ўзбек ва тожик халқлари бригалашиб ўз фарзандларига исм қўйгандек ГЭСга ҳам «Халқлар дўстлиги» деган ном бердилар.

* * *

...Тунука печкада чирсиллаб ёнаётган оловнинг олтин нури палатка ичини хийла ёритиб турибди. Йигитлар ҳали туришмаган. Бригадир қумғонни тўлдириб чой қўйидда, ташқарига чиқди. Совуқ зўрайиб қор ёғишдан дарак бермоқда. Кўпни палаткадагилар ҳам уйғонишган шекилли, трубадан ўт учқунлари чиқаётир. Бу палаткада ҳам Мадамин аканинг азаматлари туришади. Ундан кимдир чиқиб бригадирга яқинлашди.

— Яхши ётиб турдингми, Ҳалим?

— Раҳмат ака, — у ҳам шу саволни айнан такрорлади.

Уч-тўрт юз қадам нарига автомашина келиб тўхтади, палаткани унинг чироғи сутдек ёритди.

— Келишди.

— Ким?

— Акбаров бўлса керак.

Ҳаял ўтмай машинадан калта пўстин кийган ўрта ёшли киши тушди. У Мадамин ака ва Ҳалим билан сўрашгач, экскаватор ўрнига бошқа машина келтирилганлиги, цемент ва қум-шағал бўлса ҳам пойдевор ётқизишнинг иложи бўлмаслиги тўғрисида гапирди. Мадамин ака ҳам, Ҳалим ҳам бундан қаттиқ ранжидилар. Ҳатто бригадир СМУ бошлиғини бир-икки нордон гап билан чақиб ҳам олди...

Катта магистраль асфальт йўлнинг ҳар икки томони бийдай чўл. Қуёш қалин булут орқасига яширинган. Қора совуқ бурун-қулоқларни кесади.

Йигирма-йигирма беш нафар навқирон бетончилар экскаваторни кутиб ўтиришмасдан белу-лом ушлашиб, бино пойдеворини қазиб бошладилар. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, азаматлар ана-мана дегунча ўн икки хоналик бино пойдеворини қазиб, бетон ётқизишга ҳозирлаб қўйдилар. Пешинга қолмасдан Мадамин ака ҳам етиб келди. У йигитларнинг ғайратидан миннатдор бўлса ҳам «анча уринибсиз, ҳозир экскаватор келади, уни машинага ортиб келтирямиз» деб қўйди.

Ўша куни кечқурун Мадамин ака бригадасининг аъзолари Янгиерларнинг дастлабки иморати пайдеворини қўйиб, яшил палаткаларига қайтиб келдилар...

* * *

Шаҳар меҳмонхонасидан чиқиб, «Октябрь 40 йиллиги» кўчасидаги ошхонада нонушта қилдик. Буфетдан папирос олиб, чекиб турган йигит кўзимизга иссиқ учради.

— Равшан Султоновман, Омоннинг дўсти бўламан, — деб ўзини таништирди йигит.

— Ҳаммалари саломат юришибдими, Ибодулла, Ҳалим, Мадамин акалар бардаммилар?

Равшан Мадамин аканинг йигитлари, Янгиер шаҳрининг обод бўлаётганлиги, янги қурилишлар тўғрисида анча ҳикоя қилди. Иккимиз шаҳар кездик. Унинг катта-кичик кварталлари, муҳташам бинолари, ниҳол дарахтлари тиниқ ҳавода яна-да гўзал кўринади.

Равшан бу ажойиб манзарадан ҳузур топгандай гапирди.

—Яшил палатка эсингиздами?

— Ҳа, уни, ўша ширин суҳбатларни сира унутолмайман. Бироқ палаткаларнинг жойи қаердалигини билолмаяпман.

— Ҳу анавл, катта бинони кўряпсизми? У мактаб-интернат. Палатка шу бинонинг ўрнида эди. Бериродаги томида телевизор антеннаси кўринаётган бир қаватлик уй Мадамин акаларники. Жуда вақтила келдингиз, бугун у кишиникида, йўқ, ҳаммамизникида катта тўй! Ахир қувонмай бўладими, Мадамин ака Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди, жўра!

— Бу буюк бахт. Бу — қаҳрамонлик йўлидир.

А. АБДУАЗИМОВ.

Қурилиш ходимларининг СССР орден ва медаллари билан мукофотланиши*)

Қурилиш соҳасида ва бинокорлик материаллари саноатни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун алоҳида ўрнак кўрсатган бинокорлардан, бинокорлик материаллари саноатининг, илмий-текшириш ва проектлаш ташкилотларининг ходимларидан катта бир группаси СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

СССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССРдан қуйидагиларни мукофотлади:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

14. **Дуршимов** Роман — Қорақалпоғистон АССР, «Ўзбекгидроэнергострой» трестига қарашли Тахиатош ГРЭС қурилишининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

15. **Елецкий** Степан Павлович — «Ўзгипролегпром» проектлаш институти қурилиш бўлимининг бошлиғи.

16. **Ердашев** Дуйсен — Нукус гишт заводининг мастери.

17. **Еремеев** Константин Николаевич — Термиз шаҳри, 165-қурилиш трести қурилиш бошқармасининг сувақчиси.

18. **Зиёев** Раҳим — Главташкентстрой 153-қурилиш трестининг комплекс бригадаси бошлиғи.

19. **Иброҳимов** Исмоил — Янгийўл гишт заводининг гишт туширувчиси.

20. **Исомиддинов** Иброҳим — Наманган 10-завод бошқармасига қарашли гишт заводининг ўтёқари.

21. **Калонов** Зикрилла Зожирович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Қишлоқ қурилиши Бош бошқармасининг бошлиғи.

22. **Кочаров** Ашот Самсонович — капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

23. **Курганов** Александр Васильевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министри.

24. **Левандовский** Евгений Иванович — Чирчиқ электрохимия комбинати Капитал қурилиш бошқармасининг старший прораби.

25. **Литвиненко** Федор Петрович — Андижон шаҳри, 162-қурилиш трести қурилиш-монтаж бошқармасининг гишт терувчиси.

26. **Майоров** Иван Михайлович — Тошкент шаҳри, СССР Транспорт қурилиши министрлиги «Средазтрансстрой» трестига қарашли 8-қурилиш участкасининг дурадгори.

27. **Марцинюк** Иван Витальевич — Главташкентстрой бош инженери.

28. **Маҳмудов** Раҳмат — Тошкент шаҳри; «Ўзэлектромонтаж» трести шаҳар бошқармасининг электр монтёрлар бригадаси бошлиғи.

29. **Москова** Римма Севостьяновна — «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг мастери.

30. **Никитин** Сергей Иванович — 93-ихтисослаштирилган трестнинг бошқарувчиси.

31. **Пастернак** Владимир Ефимович — Фарғона шаҳри, 8-қурилиш трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи.

32. **Пашутин** Владимир Акимович — Ўзбекистон ССР Госплани Бинокорлик материаллари саноати бўлимининг бошлиғи.

33. **Петров** Дмитрий Сергеевич — Бухоро область, СССР Транспорт қурилиши министрлиги 66-механизациялаштирилган колониясининг экскаватор бригадаси бошлиғи.

34. **Пирогов** Андрей Федорович — Олмалиқ шаҳри, 93-ихтисослаштирилган трест монтаж участкасининг бошлиғи.

35. **Пономарев** Валентин Александрович — Фарғона область, 8-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

36. **Потохин** Борис Ефимович — Бухоро шаҳри, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига қарашли машина-экскаватор станциясининг экскаваторчилар бригадаси бошлиғи.

37. **Примқулов** Қурбон — инерт материаллар Кўйлиқ карьерининг электросваркачиси.

38. **Рахмонов** Самад — «Ўзбекшахтострой» трестига қарашли 2-Оҳангарон қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи.

39. **Рахмонов** Тожибой — Тошкент шаҳри, 3-завод бошқармаси гишт заводининг гиштни печга туширувчиси.

40. **Рўзмуродов** Парда — Самарқанд шаҳри, «Ўзтрансспецстрой» трестига қарашли 983-ишлар бошлиғи бошқармасининг санитария техниклари бригаласи бошлиғи.

41. **Романова** Анастасия Федоровна — Чирчиқ гишт заводининг гишт пиширувчиси.

42. **Романов** Петр Федорович — Фарғона области, Қувасой цемент заводи қуйиш темирчилик цехининг мастери.

43. **Романов** Сергей Романович — Тошкент область «Ўзбекгидроэнергострой» трести Голодностеп ГЭС қурилишининг бўёқчиси.

44. **Рось** Василий Ананьевич — Бекобод шаҳри, 32-қурилиш трести 704-ишлар бошлиғи бошқармасининг дурадгорлар бригадаси бошлиғи.

45. **Рижков** Виталий Дмитриевич — Тошкент область Оҳангарон шаҳри, «Средазэнергомонтаж» трестига қарашли 13-участканинг бошлиғи.

46. **Содиқов** Мамажон — Главташкентстрой 159-қурилиш трестининг гишт терувчиси.

47. **Содиқов** Султон — Тошкент шаҳри, «Ўзпромсантехмонтаж» трестининг 532-ишлар бошлиғи бошқармасининг слесари.

48. **Сайназаров** Абдулла — Тошкент область «Ўзбекгидроэнергострой» трестига қарашли Оҳангарон ГРЭС қурилишининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

49. **Сушчик** Иван Григорьевич — Тошкент область «Ўзбексвинецшахтострой» трести Олтинтопган бошқармаси проходчиклари бригадасининг бошлиғи.

50. **Сяйлев** Федор Дмитриевич — «Ўзбекгидроэнергострой» Хишровгэсстройининг старший прораби.

51. **Тошматов** Абдураим — Фарғона шаҳри, 151-қурилиш трестига қарашли 226-ишлар бошлиғи бошқармасининг дурадгорлар бригаласи бошлиғи.

52. **Тимофеев** Александр Константинович — Андижон шаҳри, 162-қурилиш трестининг бош инженери.

53. **Турсунов** Аҳмад — Меҳнаткашлар депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитетининг бинокорлик материаллари комбинати директори.

54. **Федоренко** Александр Феофанович — Главташкентстрой 157-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

55. **Хазратқулов** Жўра — Қарши шаҳри 164-қурилиш трести қурилиш участкасининг гишт терувчиси.

56. **Чернецов** Анатолий Николаевич — Тошкент шаҳри, СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «Средазтрансстрой» трести 8-қурилиш участкасининг бошлиғи.

57. **Чумаков** Николай Яковлевич — Сурхондарё область, 165-қурилиш трести «Шаргунь шахтострой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

58. **Шахов** Алексей Тимофеевич — Ўзбекистон КП Марказий Комитети қурилиш ва бинокорлик материаллари бўлими мудирининг ўринбосари.

59. **Шманенко** Яков Андреевич — Наманган шаҳри, Ўзбекистон ССР «Ферганаводстрой» трести қурилиш монтаж конторасининг бош инженери.

60. **Ярашев** Низом — Тошкент область Главголодностепстрой қурилиш-монтаж бошқармасининг бетончиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдувалиев** Мамед — «Ўзбекгидроэнергострой» трести «Ташэнергострой» қурилиш бошқармасининг гишт терувчиси.

2. **Абдурашитова** Адамҳ — Чирчиқ шаҳри, 160-қурилиш трести 225-ишлар бошлиғи бошқармасининг сувақчилар бригадаси бошлиғи.

3. **Азратқулов** Чори — Тошкент шаҳри, — 1-гишт заводлари бошқармасининг машинисти.

4. **Алибердиев** Карим — Тошкент шаҳри, «Ўзтранссспецстрой» трести 981-ишлар бошлиғи бошқармаси автокранининг кранчиси.

5. **Алимбоев** Усмон Шарипович — Главголодностепстрой 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери.

6. **Алимуҳамедов** Соли — Тошкент шаҳри, «Ўзбекгидроэнергострой» трести қурилиш-монтаж конторасининг гишт терувчиси.

7. **Арслонов** Қодир — меҳнаткашлар депутатлари Қарши шаҳар Совети ижроия комитети ремонт-қурилиш конторасининг гишт терувчиси.

8. **Орипов** Пўлат — Тошкент область, «Главголодностепстрой» 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг бульдозерчиси.

9. **Арслонов** Қулрат Турсунович — Фарғона область, Кўқон шаҳри 151-қурилиш трести 705-ишлар бошлиғи бошқармасининг прораби.

10. **Очелдиев** Юрий Ефаимович — Тошкент область, «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

11. **Бобоқулов** Давраз — Сурхондарё область, 165-қурилиш трестига қарашли Ангор қурилиш бошқармасининг гишт терувчилар бригадасининг бошлиғи.

12. **Баранов** Александр Михайлович — Тошкент область, Чирчиқ шаҳри 160-қурилиш трестига қарашли механизация базасининг бульдозерчиси.

13. **Башарина** Александра Спиридоновна — Қарши шаҳри, 164-қурилиш трести қурилиш участкасининг сувақчиси.

14. **Бирюков** Владимир Дмитриевич — Тошкент область, «Ўзбекгидростой» трестига қарашли Туябўғиз қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти.

15. **Болгаев** Ислом Файтанович — Самарқанд шаҳри, 150-қурилиш трести 978-ишлар бошлиғи бошқармасининг плитачи-сувақчиси.

16. **Булигин** Сергей Владимирович — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги Наманган қурилиш-монтаж конторасининг бош механиги.

17. **Буранашев** Шомил Иноятович — Тошкент шаҳри, «Ўзбекгидроэнергострой» трестига қарашли монтаж бошқармасининг бош инженер ўринбосари.

18. **Вавилов** Александр Семенович — Тошкент шаҳри, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бош инженери.

19. **Вербицкий** Дмитрий Степанович — Тошкент шаҳри, «Ўзбексвинецшахтострой» трестининг бошқарувчиси.

20. **Виговский** Борис Сергеевич — Ўзбекистон КП Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари.

21. **Ғозиқулов** Низом — Тошкент области, «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

22. **Ғозиназаров** Абдуллажон, — Андижон область, 162-қурилиш трестининг бошқа жойга кўчирилган колхозлар қурилиш бошқармасининг гишт терувчиси.

23. **Горюнова** Вера Ивановна — Сурхондарё области, 165-қурилиш трести «Шаргунь шахтострой» бошқармасининг участка бошлиғи.

24. **Губин** Алексей Иванович — Тошкент области, Бекобод цемент комбинатининг бош инженери.

25. **Жумабоева** Халима — Тошкент область, «Главголодностепстрой» 56-автобазасининг шофери.

26. **Есенов** Хамид — Бухоро шаҳри, 163-қурилиш трестининг участка сувақчиси.

27. **Желенко** Григорий Стефанович — Тошкент шаҳри, «Ўзэлектромонтаж» трестининг бошқарувчиси.

28. **Иванов** Петр Михайлович — Фарғона области, Тошкент темир йўлига қарашли 370-қурилиш-монтаж поездининг дурадгори.

29. **Иванцов** Трофим Степанович — Андижон области, «Ферганаводстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж конторасининг экскаватор машинисти.

30. **Илюхин** Иван Ефемович — Самарқанд области, Тошкент темир йўли биноларга ва иншоотлари 3-дистанциясининг гишт терувчиси.

31. **Қаллибекова** Ойнагул — Нукус шаҳри, 166-қурилиш трестига қарашли 3-қурилиш участкасининг сувақчиси.

32. **Комилов** Собит — Тошкент области, Тошкент темир йўлига қарашли йўл қурилиши бошқармасининг гишт терувчиси.

33. **Кац** Яков Овцеевич — Тошкент области, «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

34. **Кожевников** Алексей Федорович — Сурхондарё области, 165-қурилиш трести «Шаргунь шахтострой» қурилиш бошқармасининг бульдозерчиси.

35. **Колосов** Василий Михайлович — Тошкент области, 93-ихтисослаштирилган трестга қарашли Олмалиқ «Стальмонтаж» бошқармасининг монтажчилар бригадаси бошлиғи.

36. **Корко** Станислав Банифатьевич — Тошкент область, Чирчиқ электрохимия комбинатига қарашли капитал қурилиш бошқармасининг бош инженери.

37. **Королев** Анатолий Назарович — Тошкент области, Оҳангарон цемент заводининг директори.

38. **Косачев** Николай Петрович — Самарқанд области, «Ўзбексвинецшахтострой» трестига қарашли Ингичка шахта қурилиши бошқармасининг сувақчиси.

39. **Кулишов** Андрей Авакомович — Главташкентстройга қарашли темир-бетон буюмлар монтаж заводининг слесари.

40. **Леонтьев** Анатолий Александрович — Қорақалпоғистон АССР, СССР Транспорт қурилиши министрлиги «Средазтрансстрой» трестига қарашли биринчи қурилиш-монтаж бошқармасининг старший прораби.

70. **Торянин** Сергей Степанович — Термиз шаҳри 165-қурилиш трести қурилиш бошқармасининг бўёқчиси.

71. **Тўхтахўжаев** Сайидумар — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети илмий-техника комитети раисининг ўринбосари.

72. **Холиқов** Каримжон — Тошкент область, «Ўзгидростой» трестига қарашли Туябўғиз қурилиш бошқармасининг бетончилар бригадаси бошлиғи.

73. **Халилов** Аҳмад — Наманган шаҳри, 161-қурилиш трестига қарашли қурилиш бошқармасининг дурадгори.

74. **Церель** Юлиус Карлович — Тошкент область, 93-ихтисослаштирилган трестга қарашли Чирчиқ «Промтехмонтаж» бошқармасининг слесари.

75. **Черемин** Александр Евгеньевич — Қорақалпоғистон АССР «Средазгидроэнергострой» трести Тахиатош ГРЭСи қурилишининг бошлиғи.

76. **Эргашев** Қозоқбой — Фарғона области, 151-қурилиш трестига қарашли Маргилон қурилиш-монтаж бошқармасининг бетончиси.

77. **Юрков** Лазарь Григорьевич — Тошкент области, Оҳангарон шаҳри 93-ихтисослаштирилган трестга қарашли «Шахтоспецмонтаж» қурилиш бошқармасининг электр сваркачиси.

78. **Якушев** Виктор Викторович — «Тошгипрогор» проект институтининг директори.

(ДАВОМИ БОР).

* Боши газетанинг 10 август сонида.

Олмалиқ қурувчиларининг йиғилиши

Олмалиқ шаҳри меҳнаткашлари Бинокорлар куни байрамини нишонлаш учун шаҳар стадионига тўпландилар. Мажлисни шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Ноженкин очади.

«Алмаликсвинецстрой» трестининг бошлиғи Ўртоқ Тетевин шаҳар бинокорларининг 1958 йилнинг ўтган 7 ойи ичида эришган муваффақиятлари тўғрисида доклад қилди. Шундан сўнг Олтинтопган комбинатининг директори Поклонский, Қўрғошин кон ишчилари номидан экскаватор машинисти Лужбин ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, қурувчиларни уларнинг традицион байрами билан табрикладилар.

Шу йигилишда Ўзбекистон ССР Қурилиш министри Ўртоқ Курганов социалистик мусобақани авж олдириб, 1958 йил иккинчи кварталида яхши натижаларга эришганликлари учун биринчи қурилиш бошқармаси коллективига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзсовпрофнинг кўчма Қизил байроғини топширди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ М. Абдураззоқов нутқ сўзлади.

Ғўза парвариши юзасидан берилган кундалик ва беш кунлик топшириқларни тўла бажарайлик!

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Культивация, чеканка, суғориш — шу куннинг муҳим вазифаси

Областимизнинг илғор колхозларида, совхозларида қардош республикалар пахтакорларининг маслаҳатларига амал қилинниб, август ойида ҳам ғўза парвариши қизғин давом эттирилмоқда. Боёвут райони колхозларида ғўзаларни қондириб суғоришга катта эътибор берилаётир. Бой тажрибага эга бўлган сувчилар ишни кеча-ю кундуз ташкил этиб, 4 минг гектар ердаги ғўзани иккинчи марта суғориб бўлдилар. Учинчи суғориш 80 процент бажарилди. Бу район колхозларида ғўзаларни узунасига ва кўндалангига культивация қилиш, лозим топилган ерларда чуқур чопиқ ўтказиш ҳам сифатли давом эттирилаётир.

Бекобод районининг кўпчилик колхозларида ҳам бу ишлар бирмунча дуруст бажарилмоқда.

Лекин областимизнинг қатор районлари колхозларида ғўзаларни кўндалангига культивация қилиш тўхтатиб қўйилган. Октябрь райони колхозларида ғўзаларни иккинчи марта кўндалангига культивация қилиш плани 80, Сирдарё районида эса 84 процент, Калинин ва Бўстонлиқ районларида 30 — 60 процент бажарилибди, холос.

Мирзачўл райони колхозларида ҳалига қадар 1000 гектарга яқин иккинчи сув ичмаган, чанқоқ пахта майдони бор.

Шунингдек, кўпгина район колхозларида чеканка жуда кейинга судралмоқда. Юқори Чирчиқ районида ғўзаларни чеканка қилиш плани 28, Янгийўл районида 35, Оққўрғон районида 45, Октябрь районида 20 процент бажарилган, холос.

Ана шу районларнинг пахтакорлари август ойида бажарилиши лозим бўлган культивация, суғориш, чеканка қилиш ишларини ўз вақтида сифатли ўтказишга эътиборни кучайтиришлари керак.

Октябрь районидаги Калинин номли колхозда ғўза қондириб суғорилмоқда. Суратда: миришкор сувчи К. Мамиров 1-бригада ғўзасига сув қуймоқда. В. Салов фотоси.

30 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган бригадалар

Пискент районидаги Хрушчев номли колхознинг ўртоқ Ўроз Назиров бошлиқ бригадаси аъзолари 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун астойдил меҳнат қилаётирлар. Ҳозиргача барча майдондаги ғўза тўртинчи комплекс парваришдан чиқарилди. Ҳар туп ғўзада 4-5 тадан кўсак бор.

Универсалчилардан Шарипов ва Мамедов ўртоқлар кунига 10-15 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилмоқдалар. Турсун Тошев ва Нормирзаев каби ўртоқлар ғўзани сифатли чопиқ қилиб барчага намуна бўлаётирлар.

Шу бригадага қўшни бўлган ўртоқ Ирисбоев бошлиқ бригада аъзолари ҳам ҳар туп ғўзада камида 10-11 тадан бўлиқ кўсак етиштириш учун курашиб, яхши натижага эришмоқдалар.

Т. ҚОСИМОВ,
О. ЭШОНҚУЛОВ.

Мусобақадошлар текширганда...

Сирдарё районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози билан «Ленинизм» колхози мусобақадош. Ҳар иккала колхоз аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун аввал баҳордан бери астойдил ишладилар. Бутун ёз давомида қилинган ишлар юзасидан бир неча бор текшириш ўтказдилар. Бунда яхши тажрибаларни бир-бирларидан ўрганиб, кўрган камчиликларини дўстона танқид қилдилар.

Яқинда бу икки колхоз аъзолари август ойи тадбирларининг амалга оширилиши юзасидан яна ўзаро текшириш ўтказдилар. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан борган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари «Ленинизм» колхози далаларини бирма-бир айланиб, ҳосил тўплаш учун қандай курашлар олиб борилаётганини кўрдилар.

Бу колхозда график бўйича бир кунда 80 гектардаги ғўза культивация қилиниши лозим эди. Моҳир механизаторлар жуда эҳтиётлик билан ишлаб, кунига 90-95 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқдалар.

Колхознинг ўртоқ Паёз Қодиров бошлиқ бригада аъзолари бу йил биринчи марта 65 гектар шўр ерга чигит экканлар. Улар ана шу майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олиш учун аҳд қилганлар. Фидокорона меҳнат туфайли яхши натижаларга эришилди. Ғўза ҳозир яхши ҳосилга кирган. Ҳар туп ғўзада 4-5 тадан бўлиқ кўсак бор. 50 гектар ердаги ғўза чеканка қилинган. Мусобақадошлар бу бригаданинг ишини кўриб хурсанд бўлдилар. Ғўза ўсиб, бир-бирига киришиб кетганлиги учун баъзи ерларда танлаб культивация ўтказиш, ғўзани сувдан қолдирмаслик, сувдан кейин ўсиб чиққан ўтларни фақат қўл билан юлиб ташлаш зарурлигини маслаҳат бердилар.

Бироқ колхознинг айрим бригаларида шу куннинг талабига мувофиқ иш қилинмаяпти. Баъзи ерларда агротехника қоидалари бузилмоқда. Ўртоқ Саид Эшонқулов бошлиқ бригадада ғўза сифатсиз суғорилган. 6 гектар ердаги ғўзани сув босиб кетган. 5 ва 6-бригадаларда трактор органлари қоп билан ўраб қўйилмаганлиги учун ғўза ҳосилини нобуд қилган.

Ўртоқ Мирзаалиев бошлиқ 3-бригаданинг 55 гектар ердаги ғўзаси анча ёш. Ҳали ҳосилга тўла кирмаган. Шунинг учун ҳам бу ердаги ғўза қатор оралари чуқур культивация қилинган. Ҳам баргидан, ҳам илдизидан озиқлантирилган. Трактор юриши мумкин бўлган ерларда кўндалангига культивация қилинмоқда. Мусобақадошлар бу тадбирни маъқулладилар. Лекин ғўза сифатсиз чеканка қилинганини, ён шохлар олиб ташланмаганини кўрсатиб ўтдилар.

«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози правлениеси август ойида ғўзани бир ярим марта культивация қилиш, бир марта чопиқ ўтказиш, 1,2 марта суғориш каби тадбирларни белгилади. Бироқ бу тадбир барча ишчи кучларидан, мавжуд техникадан тўла фойдаланилмагани учун ишчиллик билан амалга оширилмаяпти. Колхозда сўнгги кунларда бўшашувчилик пайдо бўлди. Ишга кеч чиқиш, эрта қайтиш, нормани бажармаслик ҳоллари юз бермоқда. Масалан, август ойида ҳар куни 25-26 гектар ердаги ғўза суғорилиши лозим эди. Лекин суғорилаётган ер 18-20 гектардан ошмаяпти. Чеканка қилиш ва ғўза чопигида ҳам айни шу аҳвол юз бермоқда.

Колхозда 13 та универсал бор. Булар унумли ишламаяпти. Баъзи кунлари ғўза парваришига қатнашган тракторлар сони 5 тадан ошмайди. 5 август куни 7 та универсал ишлаб, 23 гектар ерни культивация қилган. Бунинг устига қилинган культивация жуда сифатсиз. Тракторнинг бўртиб чиққан қисмлари ўраб қўйилмаган, натижада анчагина ғўза ҳосили нобуд бўлган.

Август ойигача далада 16 та от культивацияси ишлаб турган бўлса, ҳозир 1 та ҳам от культивацияси ишламаяпти.

Ғўзани сифатли суғоришнинг аҳамиятини биринчи бригада бошлиғи Сафар Жумаев яхши тушунади. Шу соҳадаги камчиликни мусобақадош «Ленинизм» колхозида кўрганда у ранжиди. Лекин ўзининг бригадасида худди шунақа аҳвол юз бермоқда. Унинг 17 гектар ердаги ғўзаси ҳаддан ташқари кўллатиб суғорилганидан саргайиб кетган. Камол Аламов бошлиқ бригадада эса ғўза сифатсиз чеканка қилинган.

Ғўзани оби-тобига келтириб суғоришда 8-бригада бошлиғи Аҳмадали Шапиев яхши маслаҳатлар беради. Лекин ўзининг бир қанча ердаги ғўзаси чанқаб ётибди. Ўртоқ Шапиевнинг 9 гектар ердаги ғўзаси «Ленинизм» колхозидаги Мирзаалиев бошлиқ бригаданинг ғўзалари сингари ёш, яхши ҳосилга кирмаган. Лекин у бу ғўзани яхши ғўзаларга етказиб олиш учун ишни Мирзаалиев сингари яхши ташкил этмаган.

Умуман «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида 40 гектар ердаги ғўза ҳали талабга жавоб бермайди. Август ойида ғўза парвариши анча сусайтириб юборилган. «Ленинизм» колхозидан келган мусобақадошлар шу каби жуда кўп камчиликларни кўрсатдилар.

Мусобақадошлар баравар ҳаракат қилишлари, бир-бирларига тенгалашиб олишлари, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзолари ҳам «Ленинизм» колхозида кўрганларидек ишни яхшироқ ташкил этишга ҳаракат қилишлари лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Ғайратли ёшлар

Ғўзаларни чопиқ қилаётган бир группа ёш-яланг дала шийпонига тушликка чиқмоқчи бўлиб турганида бригада табелчиси Назиркул келиб қолди.

— Беш кунликни якунладим. Эргали бу беш кунликда ҳам нормасини бажармабди, — деди у.

— Уялмай қаторимизда юрганига ҳайронман, — табелчининг сўзини бўлди Тошбуви, — сўнг Эргалига қараб деди: — қачонгача бу ҳол давом этади?

— 2-3 кун тобим айнади, докторга боришга уялдим, — деди Эргали, — шу охиргиси бўлсин. Бундан сўнг кундалик нормани бажармасам бригада аъзолигидан чиқарсанглар ҳам майли.

Бўлар «Ленинизм» колхозининг Жўрақул Хўжақулов бошлиқ бригадаси аъзолари — бу йил 10-синфни тугатиб, пахта далаларида ишлаётган Шоимқул Каримов, Тошбуви Хўжақулова, Эргали Ойжонов каби ёшлар! Улар 2-3 йил пахтазорда ишлаб, сўнг ўқишни давом эттириш мақсадида ўзларига биркитилган майдонлардаги ғўзаларни сифатли парвариш қилаётирлар. Ҳар куни хоҳ чопиқда, хоҳ суғоришда бўлсин, нормаларини 1,5-2 ҳисса бажараётирлар. Сергайрат ёшлар ишни сифатсиз бажараётган ва кундалик нормани бажармаётган ўртоқларига нисбатан талабчанликни кучайтириб юборганлар.

Ҳозир бригадага биркитилган 256 гектар ернинг ҳаммасида мўл ҳосил етиштирилмоқда. Бригада аъзолари кечагина мактабдан келган бу ёшларнинг унумли ишлаётганликларидан ғоят мамнун бўлмоқдалар.

П. ШЕРИМБЕТОВ,
Мирзачўл райони.

Августда ғўза парваришини бўшаштириш — ҳосилга путур етказади

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Тожикистон, Туркманистон, ва Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадалари ишининг якунлари ва 1958 йил август ойида ғўзани парвариш қилиш тадбирлари тўғрисида деб чиқарган қарори колхозчилар ўртасида ўқилиб кенг муҳокама қилинди. Шу муносабат билан ишимизда баъзи ютуқлар кўрсатилиб, камчиликлар очиб ташланди.

Биз бу йил 1155 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олишга, давлатга 3564 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилганмиз. Ҳамиша ўз аҳдлари устидан чиқишга одатланиб қолган меҳнатсевар колхозчиларимиз бу йил баҳорда юз берган қийинчиликларни енгиб, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш учун ёз бўйи фидокорона ва самарали меҳнат қилдилар.

Экин экиш ва уни парвариш қилиш даврида МТСлан сотиб олинган техникадан бу йил ҳар қачонгидан кўра унумлироқ фойдаландик. Барча майдонлардаги ғўзалар икки томонлама сифатли парвариш қилинмоқда. Шу туфайли қўл билан қилинадиган оғир ишлар енгиллашиб, кўплаб меҳнат кунлари тежаб қолинаяпти.

60х60 схемаси билан жойлаштирилган ғўзалар уч марта кўндалангига ва беш марта узунасига культивация қилинди. Тўрт марта сифатли чопиқ ўтказилди ва озиқлантирилди. Ҳосил тўплаш, ғўзани говлаб кетишдан сақлаб қолиш мақсадида 450 гектар ердаги ғўза чеканка қилинди.

Ўз ишини пухта ташкил этган, ҳамма тадбирни агротехника қоидаларига риоя қилиб ўтказган илғор бригадаларимизнинг ғўзалари шу кунларда яхши ҳосилга кирди. 170 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган ўртоқ Ортиқбой Отақулов бошлиқ бригаданинг ҳар туп ғўзасида ҳозир 4-5 тадан бўлиқ кўсак бор. Назарқул Ҳатамов, Ҳасан Ниёзов ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги мўл ҳосил нишоналари кишини қувонтиради.

Бироқ, бу, ишимизда камчилик йўқ, деган гап эмас. Ҳали 100 гектардан ортиқроқ ердаги ғўзамиз ривожланишда 10-15 кун орқада қолмоқда. Бу ғўзаларни яхши ривожланаётган ғўзаларга тенгалаштириб олмасдан туриб, зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни тўла бажара олмаймиз.

Эгамбердиев, Исмоилов, Алибеков ўртоқлар бошлиқ бригаларда 20-35 гектардан ердаги ғўза эндигина ҳосилга кира бошлади. Ҳозир яхши ҳосилга кирди, деган ерларимиздаги ғўзаларни ҳам сифатли парвариш қилаверамиз. Нега деганда ҳосил тўплай бошлаган ғўзалар илдизлари ва барглари орқали бемалол озиқ ололмаса, қониб сув ичмаса, ҳаводан яхши фойдаланмаса кўсаклар тез тўлишмайди, ҳосил кўпаймайди. Шу туфайли август ойида, айниқса бу йилги шароитда, ғўза парваришини бўшаштириб юбориш ҳосилга путур етказади. Шунинг учун ҳам биз август ойида ғўза парваришини бўшаштирмай давом эттириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладик.

Чунончи, 100 гектар ердаги қолоқ ғўзаларнинг ривожини тезлаштириш ва тез ҳосилга киритиш учун шу ерларда 2 марта кўндалангига ва узунасига культивация ўтказиш, икки марта чуқур чопиқ қилиш, 1,5 марта шарват суви билан озиқлантириш, барча пахта майдонларида ғўзани талабига мувофиқ ўз вақтида қондириб суғориш, ғўза чеканкасини сифатли тамомлаш каби ишлар амалга оширилади.

Бу тадбирларни колхозимизнинг барча аъзолари, механизаторлари, сувчилари қўллаб-қувватлаб, ҳозир амалий ишга киришдилар.

1-участка механизатори ўртоқ Ғани Оллоёров ўз қарамоғидаги 11 универсални ҳозиргача тўхтовсиз ишлатиб келмоқда. У бундан буён ҳам универсалларнинг нормал ишлашини таъминлаш мажбуриятини олди.

Колхозимизда 20 универсал бор. Шундан 10 таси ғўзани кўндалангига культивация қилаётир. Универсалчилардан Шербоев, Дониқулов, Ниёзов сингари ўртоқлар август ойи тадбирларини амалга оширишда конкрет мажбурият олиб ишламоқдалар.

Абдумалик Эгамбердиев, Анвар Абдураззоқов, Тоштемир Сафаров сингари моҳир сувчиларимиз кўп. Август ойида ғўзанинг талабига қараб сув қўйишни янада кучайтириш учун ана шундай моҳир сувчилар сони анча кўпайтирилди. Уларга қулай иш шароити яратилиб берилди.

Пахтадан мўл ҳосил олиш учун астойдил бел боғлаган колхозчиларимиз ҳозиргача юз берган қийинчиликларни чидам билан енгдилар. Қирқига чидаган колхозчиларимиз энди қирқ бирига ҳам чидайдилар. Белгиланган август ойи тадбирларини ҳеч сўзсиз амалга ошириб, ваъдага яраша мўл ҳосил етиштирадилар.

Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ,
Гулистон районидаги Крупская номли колхоз ранси.

Далалардан дараклар

БЕКОБОД. Социалистик меҳнат қаҳрамони ўртоқ Абдуқодир Шукуралиев раислик қилаётган Дзержинский номли колхоз аъзолари августнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Колхознинг ўртоқ Боймурод Сангиров бошлиқ бригадасида олиб борилаётган ишлар бунга мисол бўлаолади. Бу бригада аъзолари 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, ҳозиргача барча майдондаги ғўзани тўртинчи комплекс парваришдан чиқардилар.

Х. Дониёров.

* * *

СИРДАРЁ. Т. Шевченко номли колхознинг илғор бригадалари мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Колхозчиларнинг механизаторлар билан ҳамкорликда қилган меҳнати яхши натижа бераётир. Тажрибали пахтакор ўртоқ Т. Маманов бошлиқ бригаданинг ҳар туп ғўзасида 4-5 тадан бўлиқ кўсак бор. Колхозчилар ҳосилнинг асосий қисмини эрта етилтириш, баъзи карталардаги ғўзаларни яхши ғўзалар қаторига етказиб олиш учун курашаётирлар.

Р. Очилов.

* * *

ГУЛИСТОН. Кимсан Мадраҳимова, Қондигул Маматова, Сарбар Жалолова каби ўртоқлар «Красная заря» колхозининг илғор чопиқчиларидан ҳисобланадилар. Улар ҳосил тақдири ҳал қилинаётган ҳозирги кунларда фидокорона меҳнат қилиб, кундалик топшириқни ортиғи билан бажармоқдалар.

М. Каттабеков.

* * *

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Муҳиддин Обидов Сталин номли колхознинг моҳир механизатори. У ҳозиргача 900 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқарди, ишнинг сифатли бажарилишига аҳамият берди. Колхоз правлениеси ўртоқ М. Обидовнинг меҳнатини тақдирлаб, уни бир қўй билан мукофотлади. Бу мукофотдан руҳланган Обидов августнинг қолган кунларида яна камида 200 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқариш мажбуриятини олиб, фидокорона меҳнат қилаётир. Ҳозир у кунига 12-13 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқда.

У. Ҳасанов.

* * *

МИРЗАЧЎЛ. «Коммунизм» колхозининг далаларида иш қизғин. Колхозчилар мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу умумхалқ ишига ёш пахтакор Саидома Саитқулова ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. У июль ойида 45 меҳнат куни ишлади ва колхоз правлениеси томонидан икки марта мукофотланди. Саитқулова ҳозир кунига 0,40-0,45 гектар ердаги ғўзани сифатли чеканка қилаётир.

Қ. Мунавваров.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Жданов номли колхоз аъзолари бу йил 641 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Шу кунларда колхозчилар, механизаторларнинг бутун эътибори ғўза тупларида ана шу мажбуриятга яраша ҳосил тўплашга қаратилган. Мўл ҳосил етиштириш учун бошланган ўзаро социалистик мусобақада колхозининг ўртоқ М. Юсупалиев бошлиқ бригадаси олдинда бораётир. Бу бригаданинг ҳар туп ғўзасида 6-7 тадан кўсак бор. Колхозчилар дастлабки ютуқларни мустаҳкамлаб, ғўзани суғориш, озиқлантириш, культивация ишларини давом эттирмоқдалар.

Т. Уринбоев.

Бу ғўзалар аҳволидан ким хабар олади

Свердлов номли колхоз Верхневолинск районидаги юқори ҳосилли қишлоқ хўжалик артелларидан биридир. Колхоз аъзолари бу йил 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Аммо колхозда ғўзаларнинг ҳозирги аҳволи бу мажбуриятни бажариш имкониятини бермайди. Колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган, ғўза чопиғи учун белгиланган график доимо бажарилмайди, ғўзани икки томонлама парвариш қилишга ҳам аҳамият берилмаётир.

Колхознинг Т. Ҳатамов, Б. Оққулов, Сойибоев бошлиқ бригадаларида 200 гектарга яқин чанқоқ ва бегона ўт босган ғўзалар бор.

Колхоз раҳбарлари (правление раиси И. Ирсембетов, бошланғич партия ташкилоти секретари А. Рустамов ўртоқлар) буйи ва кўки дуруст ғўзаларни кўриб, ўзларини юпатмоқдалар. Улар август ойида ҳам ғўза парваришини кучайтириб, «шарват» оқизиб, барча майдонларда бир текис мўл ҳосил тўплашга аҳамият бермаётирлар. Вақт кутиб турмайди. Колхоз раҳбарлари августнинг қолган кунларидан ҳам унумли фойдаланиб, барча майдонларда олинган мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш учун курашишлари керак.

А. ХАЙРУЛЛАЕВ.

Мактабларни янги ўқув йилига пухта тайёрлайлик

Область халқ маорифи ходимларининг кенгаши

Яқинда область халқ маорифи ходимларининг кенгаши бўлди. Кенгашда район халқ маорифи бўлимининг мудирлари, болалар уйларининг директорлари, область матлубот союзи, китоб савдоси бошқармаси, халқ маорифи бўлими аппаратининг ходимлари иштирок этдилар. Кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш масаласи турди.

Бу йил областимизда 540 мактаб капитал ва 430 мактаб жорий ремонт қилинини керак. Шу билан бирга 72 мактабда қўшимча хоналар, биноларни қурилиши лозим. Бу соҳада район ва шаҳар халқ маорифи бўлими органлари жамоатчиликнинг ёрдами билан катта иш қилганлар. Шу кунгача областимизнинг 4 шаҳрида, 16 қишлоқ районида мактаблар янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Лекин шунга қарамай, ҳали мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишларида бир қатор жиддий камчиликлар бор. Бу нуқсонлар область халқ маорифи бўлими кенгашида сўзга чиққан нотиқлар томонидан очиб ташланди. Жумладан, Боёвут, Бекобод, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ район халқ маорифи бўлимлари шу чоққача мактабларни янги ўқув йилига тайёрламаганлар.

Кенгашда сўзга чиққан Боёвут район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Рўзиниёзовнинг нутқидан районда янги ўқув йилига тайёргарлик жуда суст бораётганлиги маълум бўлди. Ўртоқ Рўзиниёзов бу ғоят муҳим ишга формал муносабатда бўлаётганлигини ўзи фош қилиб қўйди. Район ижроия комитети шу йил 19 майда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш масаласини муҳокама қилиб, 1 августгача ремонт ишларини тугатишга қарор қилган эди. Лекин шу кунгача район мактаблари янги ўқув йилига тайёр эмас. Мактабларни зарур инвентарлар билан таъминлаш, дарслик ва ўқув қуроллари тарқатиш, ўқитувчиларнинг уйларини ремонт қилиб бериш, қишга етарли ёқилғи тайёрлаш ишларида катта камчиликлар бор. Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Рўзиниёзов масалага совуққонлик билан қараб келган. Мактаблар ремонти ва қурилиши учун ажратилган материаллар базаларидан ўз вақтида олинган эмас.

Қуйи Чирчиқ районида ҳам янги ўқув йилига тайёргарлик қониқарсиз аҳволда. Шу чоққача райондаги 10 мактабнинг ремонти тугатилмаган. Мактаблар учун ажратилган қурилиш материалларидан нотўғри фойдаланиш, кўзбўямачилик фактлари содир бўлган. Район халқ маорифи бўлимининг айби билан район мактабларига ажратилган 400 парта олиб кетилмаган. Район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Михайличенко мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш масаласида нотўғри йўл тутиб, кўпгина ишларни чалкаштириб юборган. Ана шу сабабларга кўра, 25 июлгача мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ҳақида олинган социалистик мажбурият шу кунгача бажарилмай келади. Кенгаш қатнашчилари ўртоқ Михайличенконинг ахборотидан мутлақо қаноатланмадилар.

Янгийўл шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Дўсматова бундай деди:

Бу йил қардош Украина республикаси ва областимиздаги Тошкент қишлоқ ва Хоразм областидаги Ургенч район халқ маорифи ходимларининг ташаббусига қўшилиб, яқин 2-3 йил ичида мактабларда бир сменали машғулотга ўтиш учун зарур тадбирлар кўрмоқдамиз. Кенг жамоатчиликнинг иштироки билан қабул қилинган қарорга мувофиқ ёғ экспеллер заводи 5 хона, гишт заводи 2 хона, 10-Йўлдорчилик совхози 3 хона ажратиб бериши лозим эди. Лекин бу ҳақда шаҳар совети ва район партия комитетининг, мазкур корхоналарнинг тегишли қарори бўлишига қарамай, шу пайтгача хоналар ажратиб берилмаган. Бу эса мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишига тўсқинлик қилмоқда.

Область матлубот жамияти раисининг ўринбосари ўртоқ Ракитер ўз сўзида район халқ маорифи бўлимлари молиявий ва ҳисоб-китоб масалаларида анча чалкашликларга йўл қўйётганлигини кўрсатди. Кўпгина халқ маорифи органлари ажратилган материалларни ўз вақтида ташиб олмайдилар.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Маҳкамова ўз сўзида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлигини, область халқ маорифи бўлими эса қурилиш материаллари фондларидан жойларда қандай фойдаланилаётганлигини контроль қилмаётганлигини айтиб ўтди. Шу билан бирга у 72 мактаб ҳузурида қуриладиган қўшимча хоналарни ва биноларни битказиш учун ажратилган 700 минг сўм пулдан унумли фойдаланиш, мактаблар ремонти сифатини яхшилаш, санитария узелларини тартибга келтириш масалаларига катта эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Ж. Муҳиддинов мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда орқада қолаётган район ва шаҳар халқ маорифи бўлимларининг ишига тўхталди. У мактаблар ремонтини тезлаштириш билан бирга, ўқувчилар учун уйрўзғор ишлари, бичиш-тикиш, машина ва трактор қисмларини ўрганиш тўгараклари ташкил этиш, устахоналарни, теплицаларни тартибга келтириш масалаларига эътиборни жалб қилди. Болалар уйлари биноларини ремонт қилиш масаласига ҳам катта аҳамият бериш керак, ваҳоланки ҳалигача айрим болалар уйларида ремонт ишларига киришилмаган, деб кўрсатди нотиқ.

Область халқ маорифи ходимлари кенгашида республика маориф министри ўртоқ Э. Қодиров қатнашди.

Кенгашда халқ маорифига таллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

М. ЯҲЁЕВ.

„Паррандачилик“ совхозида

Мирзачўл районидаги «Паррандачилик» совхозининг ишчилари кейинги пайтларда бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Совхоз ишчилари сабзавотдан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётирлар, паррандачиликни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият бермоқдалар.

Бу йил совхозда 19 минг товуқ боқилаётир. Давлатга 735 минг дона тухум топшириш мажбурияти олинган эди. Совхоз ишчилари фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ бир миллионга яқин тухум топшириш муваффақ бўлдилар. Шунингдек давлатга кўплаб товуқ гўшти ҳам топширилди.

Совхозда 71 бош соғин сигир бор. Совхоз чорвадорлари бу соғин сигирларнинг ҳар биридан камида 2 минг килограммдан сут соғиб олиш учун курашиб, кундан-кунга яхши натижаларга эришмоқдалар.

«Паррандачилик» совхозининг ишчилари партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут, ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш тўғрисидаги чақириғига жавобан фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Х. ХАЛИЛОВ.

„Ўгай“ макказорда

Бир гилай одам кўзини шифолатиш учун табибга бориб, ўз дардини айтибди. У, мен бир нарсага қарасам ҳамиша кўзимга иккита бўлиб кўринади, шуни даволашнинг иложи борми, дебди. Табиб эса бурнининг учида турган кўзойнаги тепасидан мўралаб, ҳалиги кишига:

— Олтовларинг ҳам шунақамисизлар, — деб сўрабди.

Маълум бўлишича, бемор бир нарсани иккита қилиб кўрса, гилай табиб бир нарсани олтита қилиб кўрар экан.

Лекин Сирдарё районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг раиси Маҳкамов ўзи соғ-саломат бўлса ҳам, бир нарсани кўп қилиб кўришда мингта гилай табибни бир чўқишда қочиради. Мана шу колхозда бу йил 39 гектар ерга маккажўхори экилган. Маҳкамов, «мана шу маккажўхоридан мўл-кўл ҳосил оламиз» деб кўкрак кериб ваъда берди. Аммо ҳаккам-дуккам бўлиб ётган, экилган бўйича биров бир қиё боқмаган «ўгай» макказорнинг ҳолига маймунлар зор-зор йиғлайди. Лекин колхоз раиси шу ерларга қараса кулади, чиройи очилиб, беихтиёр тишининг оқи ялтираб кетади. Белини ушлаб, «маккажўхори битса шунчалик бўлади-да» деб мамнун бўлади, чамаси 1 туп маккажўхори унинг кўзига 1000 туп бўлиб кўринса керак!

(Мухбир хабаридан).



— Киройи маккажўхори бўлса, шунчалик бўлар-да.

Н. Леушин чизган расм.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА



Германия Демократик Республикаси. Ризедаги пўлат эритиш ва пўлат прокат заводининг ишчилари меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Суратда: қуюв цехида.
Зигерт фотоси. Центральбильд.

ГДРНИНГ ЭКОНОМИКАСИ ЮКСАЛМОҚДА

БЕРЛИН, (ТАСС). Бугун бу ерда Германия Демократик Республикаси халқ хўжалик планининг 1958 йил биринчи ярмида бажарилиши тўғрисида Давлат марказий статистика бошқармасининг ахбороти эълон қилинди. Германия Бирлашган социалистик партиясининг V съездига тайёргарлик давомида меҳнаткашлар қўлга киритган катта муваффақиятлар натижасида экономиканинг барча соҳалари анча юксалди. 1958 йилнинг биринчи ярмида саноатнинг ялпи маҳсулоти 11,7 процент кўпайди, социалистик саноатда меҳнат унумдорлиги 9,6 процент ортди, социалистик саноат корхоналари ва маҳсулот ишлаб чиқариш 12 процент ошди. Германия Демократик Республикаси саноатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда ана шу корхоналарнинг ҳиссаси эндиликда 89 процентни ташкил этади. Хусусий корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш 10 процент кўпайди. Давлатнинг иштироки билан маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар сони 349 дан 698 га етди.

Истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Масалан, мотороллерлар ишлаб чиқариш 33,6 процент, холодильниклар ишлаб чиқариш 99,8 процент, телевизорлар ишлаб чиқариш 82,9 процент, мебеллар ишлаб чиқариш 13,2 процент кўпайди ва ҳоказо.

1958 йилнинг биринчи ярмида 20.200 квартира, яъни 1957 йилнинг биринчи ярмидагидан 5.800 кўпроқ квартира қурилди.

Қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш тез суръатлар билан амалга оширилди. Шу йилнинг биринчи ярмида 1.465 қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари ташкил этилди. Германия Демократик Республикасида шу йилнинг 30 июнигача 8.069 қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативлари бор эди. Бу кооперативлар фойдали қишлоқ хўжалик майдонининг 29,8 процентини ишлаб экин эдилар.

Юк ташиш 3,9 процент ортди. 1958 йилнинг биринчи ярмида аҳолига чакана савдо шохобчалари орқали 1,1 миллиард маркалик яъни 1957 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 6,7 процент кўпроқ мол сотилди.

БОЛГАРИЯ МЕТАЛЛУРГИЯСИНИНГ ТЎҒИЧ КОРХОНАСИ ИШГА ТУШИРИЛГАНИГА БЕШ ИЙЛ ТЎЛДИ

СОФИЯ, (ТАСС). Бугун Болгария металлургия учун катта байрам куни. Бундан 5 йил муқаддам, яъни 1953 йил 8 августда Ленин номли металлургия заводида дастлабки бир неча тонна пўлат ишлаб чиқарилган эди.

Шу йиллар ичида заводда катта ўзгаришлар бўлди. Завод кун сайин кенгайтирилмоқда ва йирик металлургия комбинатига айлантирилмоқда. Беш йил муқаддам битта мартен печи ишлаган бўлса, ҳозирги вақтда у билан бир қаторда яна уч мартен печи ишламоқда. Болгариянинг биринчи домнаси ишлай бошлаганига бир йилдан кўпроқ вақт бўлди. Иккинчи домна қурилиши тез суръатлар билан тамомланмоқда. Учинчи беш йиллик даврида заводда яна иккита мартен печи, лист прокат цехи ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш объектлари қурилади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ЯНГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КООПЕРАТИВЛАРИ

ПРАГА, (ТАСС) Чехословакияда шу йилнинг бошидан июль ойининг охиригача 770 та янги бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари ташкил этилди. Бу қишлоқ хўжалик кооперативлари 40.808 деҳқонни бирлаштиради. Кооперативлар 195.470 гектар ерни ишлаб экин экмоқдалар.

1958 йилнинг 30 июнигача Чехословакияда 11.820 бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативи бор эди. Бу кооперативлар 772.630 деҳқонни бирлаштирадилар, уларнинг ихтиёрида 3.943.329 гектар ер бор.

Брюссель виставкасида СССР миллий кунлари арафасида

БРЮССЕЛЬ, 10 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Брюсселдаги жаҳон виставкасининг марказий майдонида эртага СССР давлат байроғи тикилади. 11 августдан 13 августгача виставкада Совет Иттифоқи миллий кунлари нишонланиши шарафига ана шу байроқ тикилади.

Шу кунлар арафасида тамошабинларнинг совет павильонига қизиқиши янада ортди. Брюсселликлар ва Бельгиянинг бошқа шаҳарларидан келган кишилар, дунёнинг қарийб ҳамма мамлакатларидан келган туристлар якка-якка ва бутун оилалари билан бирга совет павильонини кўришни ва газеталарда ўқиганлари ёки экранларда кўрганларидан кўп нарсани ўз кўзлари билан кўришни истайдилар.

Тамошабинларнинг кўпчилиги аввало, барча газеталар совет павильонининг «михи» деб атаган нарсаларни, яъни Ернинг учта сунъий йўлдоши моделларини кўришга шошиладилар. Бу моделлар натура ҳажмида ишланган. Бу ерда, совет «фазо разведкачилари» теварагида тамошабинларни доим кўп учратиш мумкин.

Тамошабинлар павильоннинг саноат бўлими стендлари ёнида ҳам ўз таассуротларини бир-бирларига сўзлаб бермоқдалар.

СССРда маориф ва соғлиқни сақлаш системасига, ёш авлод тўғрисидаги гамхўрликка бағишланган стендлар ҳам тамошабинларнинг эътиборини жалб этади. Совет павильонининг кичкинтой тамошабинлари «Артек» лагерининг ранг-баранг диаграммасини завқ билан тамоша қилмоқдалар.

Совет павильони тўғрисида тамошабинларнинг фикри ёзиб қолдирилган дафтарда француз, инглиз, немис, итальян, япон тилларида ва дунёдаги бошқа тилларда павильон тўғрисида ижобий фикрлар баён қилинган юзларча хатларни ўқиш мумкин.

Бельгия матбуоти СССР миллий кунлари муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг Брюсселга келиши тўғрисида хабар босиб чиқарди. Брюсселда чиқадиган энг йирик газеталар, масалан, «Суар» ва «Пепль» газеталари К. Е. Ворошиловнинг Бельгия пойтахтига келишини табрикламоқдалар ва Бельгия халқининг СССР халқларига нисбатан дўстона туйғуларини баён қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи республикалари санъатининг кенг намойиш қилиниши Бельгия жамоатчилигини ва жаҳон виставкасига келган туристларни ғоят қизиқтиради. 400 дан ортиқ совет артисти, ССР Иттифоқи давлат симфоник оркестри, СССР давлат халқ рақси ансамбли, Украина давлат халқ хори коллективлари, ССР Иттифоқи давлат академик Большой театри ва Ленинграддаги С. М. Киров номли давлат опера ва балет театрининг солистлари, совет цирки артистлари ва бошқалар СССР миллий кунларида қатнашиш учун Бельгияга келдилар. Г. Веревка раҳбарлигидаги Украина давлат халқ хорининг Брюсселда, Гентда, Льежда, Остендеда берган концертлари ғоят катта муваффақият қозонди. Бельгияда совет бадиий коллективларининг гастроллари СССР миллий кунлари тамом бўлганидан кейин ҳам давом этади.

Брюсселдаги ва Бельгиянинг бошқа шаҳарларидаги кинотеатрларда «Броненосец Потемкин», «Турналар учмоқда», «Челкаш», «Қирқ биринчи» совет фильмлари кўрсатилмоқда. Бельгия матбуоти бу фильмларга юксак баҳо бермоқда. СССР миллий кунлари даврида етакчи совет гимнастикачилари, полвонлари ва оғир атлетикачиларининг намунали чиқишлари ҳам ўтказилади. Кеча совет спортчилари Бельгиянинг қадимги шаҳри Гентда биринчи тамошаларни кўрсатдилар.

Брюссель жаҳон виставкасига шу вақтгача 20 миллиондан ортиқ киши келиб кетди. Бу виставка ҳозирги замон фани ва техникасининг ютуқларини, дунёдаги кўп мамлакатларнинг ҳаётини бирор даражада акс эттирувчи хилма-хил экспонатлар кўрсатиш билан халқларни бир-бирларига яқинлаштириш ишига фойдали ҳисса қўшмоқда.

Америка ва Англия қўшинлари Ливан ва Иорданиядан дарҳол олиб чиқиб кетилсин

БАҒДОД, 10 август. (ТАСС). Ироқ матбуоти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессиясига катта эътибор бериб, ўз шаҳрларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти амалга ошириши мумкин бўлган бирдан-бир йўл Америка ва Англия қўшинларини Иордания ҳамда Ливандан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб этишдан иборат, деб таъкидлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, деб ёзади «Алҳуррия» газетаси, империалистларнинг муайян тенденциялари борлигини кўрамиз. Бу тенденциялар, масалан, АҚШ, Англия, Франция, Голландия, Испания каби баъзи давлатлар эгаллаган позицияда ўз ифодасини топади. Ана шу блок Туркия, Покистон ва Исроил каби бир қанча мамлакатларнинг ёрдамидан фойдаланиб, мустамлакачиликни тамомила ҳалок бўлишдан сақлаб қолишга интилмоқда. Аммо, деб ёзади газета, бизнинг бахтимизга социалистик мамлакатлар ва уларнинг дўстларидан иборат лагерь бор. Булар халқларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун бирлашган фронт бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

«Алҳуррия» газетаси ишонч билдириб ёзадики, араб мамлакатларини ҳимоя қилаётган социалистик лагердаги мамлакатларнинг қатъий позицияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясининг ишларига ва унинг натижаларига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, деб уқтириб ўтади газета, биз чала-ярим қарорлар чиқарилиши хавфи борлигига ва тинчлик иши учун хавфли оқибатлар туғдирадиган ҳар хил найранглар қилинишига эътибор беришимиз керак. Биз, агрессорларнинг қўшинларини арабларнинг территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишдан иборат асосий проблемани ҳал этишга бутун воситалар билан эришмоғимиз лозим.

«Алахбор» газетаси халқаро полиция қўшинларининг Ливан ва Иорданияга юборилиши ана шу мамлакатлар халқларининг истак ва манфаатларига хилоф эканлигини кўрсатиб, Англия-Америка қўшинлари ана шу райондан чиқиб кетишлари, халқлар эса ўзларига мақбул ҳукуматни танлаб олишлари билан ҳеч Яқин Шарқдаги аҳвол нормал бўлиб қолади, деб ёзади.

«Албилёд» газетаси ҳам мустамлакачи давлатларнинг сиёсатини ва уларнинг Шарқ халқлари ишларига аралашувини кескин танқид қилади.

Агрессорларнинг қўшинлари Ливан ва Иорданиядан олиб чиқиб кетилсин

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Корея комитетининг резолюцияси

ПХЕНЬЯН, 10 август. (ТАСС). Бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Корея комитетининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган резолюцияда бундай дейилади: Корейс халқи Совет ҳукуматининг Америка ва Англия қўшинларини Ливан ҳамда Иорданиядан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессиясини чақириш тўғрисидаги таклифни қизғин табриклайди ва маъқуллайди.

Резолюция Америка ва Англиянинг агрессив қўшинларини Ливан ва Иорданиядан дарҳол олиб чиқиб кетишни бутун корейс халқи номидан талаб этади, араб мамлакатларининг миллий мустақиллик ва озодлик йўлидаги адолатли курашини қатъият билан қўллаб-қувватлаётганлигини изҳор қилади. Резолюция Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо бўлган давлатлар Америка ва Англия қўшинларини Ливан ҳамда Иорданиядан олиб чиқиб кетиш учун фавқулодда сессияда самарали чора кўрсинлар, мустамлакачиларнинг араб мамлакатлари ички ишларига аралашуви тўхтатилсин, деб талаб қилади.

Мажлис қатнашчилари мазкур резолюцияни ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевга, АҚШ президенти Эйзенхауэрга, Англия бош министри Макмиллانга юбориш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Судан бош министрининг баёноти

ҚОҲИРА, 10 август. (ТАСС). Судан бош министри Абдулла Халил МЕН агентлигининг мухбири билан қилган суҳбатида бундай деди: Судан ҳукумати Бирлашган Араб Республикасининг Яқин Шарқдаги аҳволни стабиллаштириш зарур эканлигини кўзда тутган позициясини тамомила қўллаб-қувватлайди. Халил империалистлар таҳдид қилаётган бир пайтда араб халқларининг бирдамлиги тўғрисида гапириб, «Бирлашган Араб Республикасига қарши ҳар қандай агрессияни Судан ўзига қарши қилинган агрессия, деб ҳисоблайди» деди.

«Биз, — деб таъкидлади бош министр, — Бирлашган Араб Республикасига қарши агрессия қилиш ёки игвогарлик қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши чет давлатларни огоҳлантирамиз».

ЖИНОЯТЧИЛАР СУД ҚИЛИНАДИ

БАҒДОД, 10 август. (ТАСС). «Албилёд» газетаси билдиради: Ироқ Республикасининг фавқулодда олий ҳарбий суди яқин кунларда ироқ халқига ва давлатнинг хавфсизлигига қарши оғир жиноят килган 30 ҳарбий ва 78 граждан шахсларнинг ишини кўра бошлайди. Айбдорлар орасида король ҳукуматининг собиқ бош министрлари Фадил Жамолий, Тавфиқ Сувайди, Абдул Ваҳоб Миржон ва Аҳмад Мухтор Бабан, собиқ министрлар, бош штабнинг бошлиғи, сиёсий полиция бошлиғи ва бошқалар бор.

Ана шу жиноятчиларнинг иши давлатга қарши қилинган ишлар: чунончи мамлакатнинг миллий манфаатларига хилоф бўлган ташқи сиёсатни амалга ошириш, уруш хавфининг кучайишига ёрдам бериш, араб мамлакатларига қарши агрессия қилиш учун қуролли кучлардан фойдаланиш, фитналар тайёрлаш ва араб мамлакатларига қарши чет давлатларнинг агрессив сиёсатини ўтказишга қатнашиш, бошқа араб мамлакатларига қарши пропаганда юргизиш, парламент сайловини сохталаштириш, порахўрлик ва бошқа ишлар учун суд жавобгарлигига тортиш тўғрисида кеча эълон қилинган қонун асосида кўрилади.

ЖАЗОИРДА ЖАНГЛАР

ПАРИЖ, 10 август. (ТАСС). Жазоирдаги француз қўшинлари қўмондонлигининг хабарлари Жазоир миллий озодлик армияси отрядлари билан француз қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар давом этаётганлигини исбот қилади. Қўмондонликнинг маълумотларига қараганда, кечаги жангларда Жазоир қўзғолончиларидан 111 киши ўлдирилган. Француз қўшинларининг талафотлари тўғрисида одатдагидек бу сафар ҳам хабар берилмайди.

МЭРФИ АФИНАГА КЕЛДИ

АФИНА, 10 август. (ТАСС). АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг махсус вакили Мэрфи кеча Афинага келди.

Греция газеталарининг хабарларидан маълум бўлишича, Мэрфи АҚШнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига нисбатан тутган сиёсатини Грециянинг қўллаб-қувватлашига эришмоқ учун ҳаракат қилади.

«Иноменос типос» газетасининг билдиришича, Афинадаги дипломатия доиралари Мэрфининг бу сафари Кипр масаласини ҳал этишда АҚШнинг Грецияга тазъйиқ кўрсатиш йўлидаги уринишдан ҳам иборат, деб ҳисоблямоқдалар. Мэрфи Греция ҳукуматининг Кипр тўғрисидаги масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига қўйишдан воз кечишига эришиш учун ҳаракат қилиб кўради.

Хитой қишлоқ хўжалик делегацияси Ўзбекистонда

Хитой Халқ Республикасининг совет пахтачилиги соҳасидаги тажрибани ўрганувчи Синьцзян — уйғур автоном областининг ўртоқ Чжан Чень-жень бошчилигидаги 15 кишидан иборат қишлоқ хўжалик делегацияси Олмаотадан Тошкентга келди.

11 августда делегация аъзолари Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Ж. Х. Хоназаров ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти К. З. Закиров билан суҳбатлашдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистонда уч ой бўладилар. Улар Ўзбекистон олимларининг пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлари билан, республикадаги пахтакор колхоз ва совхозларнинг иши билан танишадилар. (ЎзТАГ).

Индонезия кооперативчилари Ўзбекистонлик шерикларининг иш тажрибасини ўрганмоқдалар

Центросоюз таклифига биноан СССР га келган Индонезия кооперативчилар делегацияси Жакартадан Москвага кета туриб йўл йўлакай Тошкентда тўхтади. Делегацияга Индонезия кооператив союзининг бош секретари Эддиван жаноблари бошчилик қилмоқда. Делегация составида Суматра, Ява, Целебес ва мамлакатнинг бошқа районларидаги кооператив ташкилотларининг вакиллари бор.

Меҳмонлар Ўзбекистон матлубот кооперациясининг фаолияти билан танишдилар. Улар Оржоникидзе район матлубот союзига қарашли савдо корхоналари, Тошкентдаги савдо ва посилка базасини бориб кўрдилар. Делегация аъзолари «Ўзбекбирлашув» раҳбарлари билан узоқ вақт саҳбатлашдилар. Улар меҳмонларга республика матлубот кооперациясининг илгор коллективлари орттирган иш тажрибаси тўғрисида, қишлоқларда савдо-сотиқни ташкил қилишда Ўзбекистонда қўлланилаётган система тўғрисида сўзлаб бердилар.

(ЎзТАГ).

Ёш санъаткорлар кўриги

Суратда: область халқ ижоди уйи ҳаваскорлари анджонча «Полька» рақсини ижро этмоқдалар.
В. Панов фотоси.

Парда очилиши билан «Шодлик» куйи янграб кетди. Ёш созандалар — Оржоникидзе ва Калинин район бадиий ҳаваскорларининг бирлашган ансамбли бу куйни ғоят ёқимли ижро этдилар.

Саҳнага саккиз тепкилик атлас кўйлак устидан юпқа бекасам тўн кийиб олган чиройли бир қиз чиқиб келади. У ўзбек халқининг севимли ўйинларидан «Тановар»ни моҳирлик билан ижро этади. Ўрта чирчиқлик ёш раққоса З. Мажидованинг уста санъаткорга хос ёқимли мимика ва нозик ҳаракатлари тамошабинларга жуда манзур бўлди.

Шундан сўнг найнинг юракни қитиқловчи дилрабо куйи дилларга оқади. Оржоникидзе район бадиий ҳаваскорларидан Ғ. Мўминов чалган «Бир ишва билан» деб аталувчи бу куй тингловчилар олқишига сазовор бўлди.

Оққўрғонлик ҳаваскор Ортиқов «Бахт» қўшиғини, Бекобод ҳаваскорлари коллективи «Хайтарма» рақсини, чиновник Юсупов ва Ҳошимовлар «Ҳануз», Ўрта Чирчиқдан келган ҳаваскор З. Пўлатова «Обод ўлкам» каби қўшиқларни моҳирона ижро этдилар. Ҳасанова ва Артикметовалар ижросидаги «Ой бўстон» қўшиғи давомли қарсаклар билан олқишланди.

Кўрикнинг энг ёш қатнашчиси қорасувлик 8 ёшлик ҳаваскор М. Содиқова «Дилбар»га усталик билан ўйнар экан, залда гуллурос қарсаклар янгради. Шунингдек, область халқ ижоди уйи ҳаваскорлар коллективи томонидан «Андижон полькаси» ҳам жозибадор ижро этилди.

Бундан ташқари ўртасаройлик ҳаваскорлардан Акбаров ва Ҳайдаров «Ёр истаб» ҳамда Абдукашева афғонча «Гулихандон» қўшиқларини мароқли куйлаб, тамошабинларни қойил қолдирдилар...

Пойтахтимизнинг Пушкин номли паркидаги ёзлик театрда ўтказилган бадиий ҳаваскорларнинг область кўриги ўйин, ашула ва рақслар кечасига айланиб кетди. Саҳнага кетма-кет чиқиб келаётган ёш ҳаваскорлар бу кўрикда ўз санъатларини намойиш қилдилар. Булар орасида колхоз далаларида фидокорона меҳнат қилаётган, мактабларда билим олаётган колхозчилар, завод-фабрика ишчилари ҳамда ўқувчиларни учратиш мумкин.

Кўрикка областимиз барча шаҳар ва районларининг бадиий ҳаваскорларидан 200 га яқин йигит-қиз қатнашди. Оржоникидзе, Ўртасарой, Калинин ва бошқа айрим район, шунингдек область халқ ижоди уйи бадиий ҳаваскорлари ўзларининг бу кўрикка пухта тайёрланганликларини кўрсатдилар.

Кўрик программаси ғоят рангба-ранг ва қизиқарли қилиб тузилган. Қатнашувчилар томонидан турли тилларда ижро этилган куй, қўшиқ ва рақслар бахтиёр ва сермазмун ёшлик, тинчлик, дўстлик ҳамда фаровон ҳаётимизни улуғлайди.

Бу кўрик областимиз меҳнаткашлари орасидан кўпгина ажойиб ёш талантлар етишиб чиқаётганлигини намойиш қилди.

Кўрик якунланганда Охангарон, Чирчиқ, Бекобод, Янгиер шаҳарлари, Ўртасарой, Янгийўл, Оржоникидзе, Октябрь, Ўрта Чирчиқ, Сирдарё, Верхневолинск, Калинин, Чиноз районларидан ҳаммаси бўлиб 35 та энг яхши номер республика кўригига тақдим қилиш учун ажратилди.

Н. НАСИМОВ.

Колхозчилар учун концертлар

Яқинда СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Ҳалима Носирова бошчилигида Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон Давлат филармониясининг концерт группаси Сирдарё район колхозларида бўлиб, фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорларга концерт қўйиб берди. Районнинг Охунбобоев номли колхозида бўлган концертни колхозчилар ва район меҳнаткашларидан 500 га яқин киши тамоша қилди.

Концертда Ҳалима Носировонинг Ўзбекча, тожикча, ҳиндча, озарбайжонча, эронча айтган ашулалари тамошабинларга манзур бўлди. Шунингдек жаҳон ёшлари фестивалининг қатнашчилари Клара Юсупова ва Фотима Носировалар «Тановар», «Фарғонача жонон», «Андижон полькаси» каби ўйинларни маҳорат билан ижро этдилар. Солистлардан Исҳоқ Катаев «Санобар», «Мен бир қизни учратдим» ва ҳиндча «Ботминсон» ашулаларини ижро этиб, тингловчилар ҳурматига сазовор бўлдилар.

Районнинг Ильич номли, «XIX партсъезд» ва бошқа колхозларида ҳам концерт қўйиб берилди.

С. ТУРДИЕВ.

Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви

Учинчи августда Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида Кобил шаҳрининг терма командаси (Афғонистон) билан «Меҳнат резервлари» (Тошкент) командаси ўртасида футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Мусобақа дастлабки минутлардаёқ жиддий тус олди. Афғонистонлик меҳмонлар бутун ўйин давомида фақат ўз дарвозаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилибгина қолмай, балки тез-тез ҳужум ҳам қилиб турдилар. Бу ҳол «Меҳнат резервлари» командаси ўйинчиларини бутун кучни ишга солган ҳолда ўйнашга мажбур этди ва улар биринчи таймнинг охиридагина аввал ҳисобни очишга, сўнг эса уни 2:0 га етказишга муваффақ бўлдилар.

Дам олишдан кейин ҳар икки томон дарвозасига иккитадан тўп киритилди. Шундай қилиб, кучли спорт кураши ва дўстлик вазиятида ўтган мусобақа «Меҳнат резервлари» командаси фойдасига 4:2 ҳисоби билан тугади.

ХОДИСА

БОЛАНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Яқинда Тошкентда янги барпо этилган пионер кўли атрофида ўйнаб юрган 12 ёшли Хатам Аъзамов чўмилиш учун кўлга тушади. У сузишни билмаслиги туфайли чўка бошлайди. Буни кўрган 111- мактабнинг 9-синф ўқувчиси Тошкентбой Муродов ёрдамга етиб келади. У ўзини сувга ташлаб, эпчиллик билан Хатамни сувдан олиб чиқади ва унинг ичига қириб қолган сувларни чиқарабошлайди. «Тез ёрдам» машинаси етиб келиб унга биринчи зарур ёрдамни кўрсатди.

Боланинг ҳаётини сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатгани учун зийрак Т. Муродов кўл штаби ва Октябрь район ижроия комитетининг ёрлиқлари билан тақдирланди.

А. ПЎЛАТОВ.

Телевизор экранида

12 АВГУСТДА

19.30 Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун «Биз қандай дам олмоқдамиз» деган эшиттириш.

20.00 «Дастлабкилардан бири» ва «Пингвинлар ҳақида қисса» номли ҳужжатли фильмлар.

21.00 Радиоэшиттириш ва телевидение комитети халқ чолғу оркестри ва солистларининг концерти.

22.00 Сўнгги ахборот.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 12/VIII да **Чин муҳаббат.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 13/VIII да **Ватан ишқи.**

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги кинокомедия **Эрксиз шофёр,** кеч соат 8 ва 10 да кенг экранли фильм **Ўн саккизинчи йил.**

«ВАТАН», «ХИВА» — **Эрксиз шофёр.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Эрксиз шофёр.**

«САЛЮТ» — **Бу воқеа Пеньковда бўлган эди.**

«1 МАЙ» — **Леди Гамильтон.**

«Узбекгидроэнергострой» трестининг
ТОШКЕНТ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА
токарлар, слесарлар, фрезерчилар, газорезчиклар, темирчилар, ғишт терувчилар, сантехника слесарлари, бўёқчилар, компрессор машинистлари, ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (4-автобуснинг «Ремзавод» остановкаси). Телефон — 32-576, 31-205.

Марказий
«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
13 августда
Халқаро ўртоқлик учрашуви:
Хитой Халқ Республикаси (Чанчунь, терма) — Ўзбекистон («Пахтакор») командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Соат 18 яримда бошланади. 25-абонемент билети ярайди.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА
Ҳис-туйғулар ақлни енгганда
НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.
Сценарий автори—**В. Паскалевич.**
Режиссёр — **Бошко Косанович.**
Оператор—**О. Миличевич.**
Бош ролларда:
Сибина Миатович, Янез Верховец, Стоян Дечермич, Мир Кучанлар қатнашади.
Фильмни Югославиянинг Сараеводаги «Студия-фильм» киностудияси ишлаган, М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.
Дубляж режиссёри — **М. Сауц,** овоз оператори — **А. Беляев.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 06109. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-544.